

Она учун фарзанд доим азиз бўлган. Қизи қарз туфайли Ш.Солиқова билан жанжаллашганини у яхши биларди. Шунинг учун ҳам А.Ияхомова ёнига 500 АҚШ долларини солиб, қарзнинг бир қисmini узиш мақсадида Ш.Солиқова айтган жойга боришга мажбур бўлади.

8 бет

Вазиятни кўнглидагидек ҳал эта олмаган валютафуруш эртасига ҳуқуқ-тартибот ходимига пора беришни мақсад қилади. Яъни Ғ.Пардаев бир миллион сўм пулни целлофан пакетга солиб, департамент ходимининг хизмат хонасида унга беради. Бироқ, иш у ўйлаганидек бўлиб чиқмади.

10 бет

**Mustaqillik huquq demakdir**

# Нидош

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-йил 22-sentabr, №38 (1027)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**  
Ушбу Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**  
Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**  
Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ёшларга оид давлат сиёсати** — давлат томонидан амалга оширилаётган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

**Ёшлар (ёш фуқаролар)** — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар;  
**ёш оила** — эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаятган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл);

**ёш мутахассис** — олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган иختисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган иختисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим;  
**ёшлар тадбиркорлиги** — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти.

**4-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари**  
Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:  
очиклик ва шаффоқлик;  
ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;  
ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;  
маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;  
ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги.

**5-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**  
Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:  
ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;  
ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;  
ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмаклашиш;  
ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш;  
ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг

бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;  
ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунийлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келаётган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;  
иқтидорли ва истеводли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;  
ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;  
ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ўй-ғой ва ижтимоий-маданий шaroитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

**6-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар**

Ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

**2-БОБ. ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ҲАМДА УНДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МУАССАСАЛАР**

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;
- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқишини ва амалга оширилишини таъминлайди;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

(Давоми 6-7-бетда)

## ТАЙИНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 15 сентябрдаги буйруғига асосан Мухамеджанов Шохмуҳаммадбек Рихсибоевич Жиззах вилояти прокурори лавозимига тайинланди.**

Ш.Мухамеджанов 1978 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 2001 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. У прокуратура органларидаги фаолиятини собиқ Тошкент туман прокуратураси иш ўрганувчисидан бошлаб, 2002 йилдан Пискент туман прокуратурасида терговчи, 2005 йилдан Тошкент вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим катта прокурори лавозимларида хизмат қилган. 2007 йилдан Охангарон туман прокурорининг ўринбосари, 2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма прокурори бўлиб фаолият олиб борган. 2009-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони инспектори бўлиб ишлаган. 2014 йилдан Яшнобод туман прокурори, 2015 йилдан шу пайтгача Тошкент вилоят прокурорининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.



## Иккита партия Президентлик сайловида қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этди



2016 йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камидан етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажақ номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани бери.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида уziel-кесил қарор қабул қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар қелиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

Мамлакатимизда изчилик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга икки ёшгача бола парвариши, ўн олти ёшгача вояга етмаган болалар таъминоти учун нафақалар ва моддий ёрдам пуллари берилиши тизимли ташкил қилинган.

## Комиссия ишламаса...

Ойбек ХОШИМОВ,

Ўзбекистон туман прокурори

**Ф**уркат туман прокуратураси томонидан ушбу соҳадаги қонунчилик ижроси доимий таҳлил этилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этиляпти. Аниқланган қўпол қонун бузилишлар юзасидан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган қатъий чоралар қўриляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этилган комиссиялар ҳар битта аризани муқамал кўриб чиқишлари, оиланинг моддий ва мулкий аҳолини, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини ўрганишлари, шу асосда нафақа тайинлаш ёки рад этиш хусусида қарор чиқарилиши белгиланган.

Бирок, ўрганишларда бу борада айрим комиссияларнинг фаолияти қонунчиликка асосланмаганлигини кўриш мумкин. Мисол учун, Фуркат туманининг Болтақул МФЙдаги комиссия ҳужжатларига тузилгани, умуман ишламагани аён бўлди. Хусусан, мазкур МФЙ котибаси, комиссия аъзоси М.Ҳамдамова ва туман бандликка кўмаклашиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳудудий инспектори, комиссия аъзоси А.Мамажонов билан тил бириктириб, юқорида номи тилга олинган Низом талабларига зид равишда нафақача муҳтож бўлмаган 7 та оилаларга икки ва ўн тўрт ёшгача болалари учун нафақа тайинлаш мақсадига расмий ҳужжат — оилаларнинг моддий ва мулкий аҳолини ўрганиш далолатномаларига меҳнатга лаёқатли аъзоларини тўлиқ қиритмасдан, даромадларини қамайтириб, нафақача муҳтож деб кўрсатиб, ҳужжатларни қалбакилаштиришгани оқибатда жами 10 млн. 672 минг сўм нафақа пуллари ноқонуний тўланган.

МФЙ ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш махсус комиссиясининг аъзоси, гувоҳ Р.Мирзақулловнинг суд мажлисидаги кўрсатмасига кўра, у комиссия таркибида нафақа тайинлаш билан боғлиқ тўланган ҳужжатлар билан танишиб чиқишига йўл қўйишмаган. Бундан ташқари, у нафақа ёки моддий ёрдам сўраб мурожаат этган фуқароларнинг уйларига бориб, моддий аҳолини ўрганишда қатнашмаган бўлса-да, ҳужжатларни юритиш учун масъул бўлган МФЙ котибаси М.Ҳамдамова ва бандликка кўмаклашиш марказининг инспектори И.Мамажоновнинг унинг иштирокисиз расмийлаштирилган далолатномаларга имзо қўйиб бериши сўрашган. Нафақа тайинлашнинг сўраб мурожаат қилган шахсларнинг моддий ва мулкий аҳолини ўрганишда қатнашмагани туфайли имзо қўйишдан бош тортганида котиба ва инспектор "Ҳужжатлар тўғрисида тузилган, тўғрилиги учун биз жавоб берамиз", дея имзо қўйдириб олишверган.

Худди шунингдек, гувоҳ, комиссия аъзоси, маҳалла посбонлари тузилмаси раҳбари Н.Усмонов ҳам гувоҳ Р.Мирзақуллов сингари ҳолатда қўл қўйганлигини баён этди.

Суд этиказилган зарар ўрни қопланганини инобатга олган ҳолда М.Ҳамдамова ҳамда А.Мамажоновга қилмишларига мувофиқ жазо тайинланди.

## Фирибгарнинг найранги

Беш бармоқ баробар эмас, деганлари рост. Эл орасида ҳалол меҳнати эвазига кун кечираётганларни ҳам, ҳаромдан ҳазар қилмайдиганларни ҳам, оққўнгили содаалар билан бирга, фирибгарларни ҳам учратиш мумкин. Шу маънода Элиққалъа тумани Сарабий овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ўткир Аметов, Бўстон шахрида яшаган Шарофат Қазакова ва номлари келтирилмаган бошқа юртошларимизни қайси тоифага киритиш ўзингизга ҳавола.

2014 йилнинг февраль ойларида Шарофат Қазакова Тўртқул тумани "Дехқон бозори"да фуқаро Ўткир Аметов билан танишиб қолади ва ўзаро суҳбат жараёнида Ш.Қазакова унга юқори идораларда ишлайдиган қариндошлари, танишлари бисёрлиги билан мақтаниб, унинг ишончига қиради. "Агар менга пул берсанг, сenga телефон тузатадиган дўкон очиниш учун ҳокимиятдан ер участкаси олиб бераман", деб ундан 467 минг

сўм пул ундиради.

Таъкидлаш жоизки, биз истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун бўлган, тадбиркорлик билан оилани боққан, эл-юртга ҳам фойда келтираман, дея ҳаракат қилаётган фуқаролар ҳар томонлама қўллаб-қувватландиган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш учун ҳаракат қилаяпмиз. Аслида тадбиркорлик қилишни ҳам ўзига яраша йўл-йўриқлари бор.

Бунинг учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши керак. Қолаверса, айна вақтда тадбиркорлик қиламан, деганлар учун барча эшиклар очик. Ў.Аметов каби ўртага одам қўйиб, пора тикиштириши шарт эмас. Қонунга кўра пора бериш ҳам, пора олиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Хуллас, орадан олти ой ўтса-да, на ердан дарак бўлади, на пулдан. Юридик тилда айтганда, Шарофат Қазакова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси-

Рустам ҚУРБАНБАЕВ,  
Беруний туман прокурори

нинг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этади.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, Ўткир Аметов тўғри йўл қилиб, қонуний йўлни танлади ва бир фирибгарнинг тегиригига сув қўйди.

Шарофат Қазаковага нисбатан кўзга тилган жиноят ишининг тергов ва домида унинг бошқа қирдиқорлари ҳам аниқланиб, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ашёвий далиллар орқали фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг ҳукми билан у 8 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

## Тавбасига таянмаган гиёҳфуруш



Мутахассисларнинг қузатувларига кўра, битта гиёҳванд бир йилда ўртача беш нафар соғоман одамни "заҳри қотил" исканжасига етаклар экан. Агар улар яна шунчадан ёшни залолат йўлига чорласа, умумий салмоқ 30 нафарга етади. Энди шу 30 нафар гиёҳванд қанча тенгдошини ўзига эргаштириши мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўринг!?

Мамлакатимизда бу офатнинг илди-ўртасига йўл қўймастик, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, орамизда гиёҳвандликка мубтало бўлганлар, уларни "заҳри қотил" билан таъминлаб чўнтагини қапайтираётган кимсалар ҳали-хануз учраб турибди.

1968 йили Наманган шахрида туғилган Сарвар Маҳкамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шу тубанлик ботқоқига ботганлардан биридир.

Аслида у муқаддам икки марта судланган. Ақли бўлганда ўша кезлари — жиноий жавобгарликка тортилиб, симтўрлар ортидан қайтганида эс-хушини йиғиб оларди.

"Букрини гўр тўғрилайди", деган нақл яна бир бор ўз исботини топиб, С.Маҳкамов учинчи марта ҳам жиноятга қўл урди.

У 2014 йил сентябрь ойи ўрталарида Қирғизистон Республикаси фуқароси бўлиши Ширин исмли киши билан танишиб қолади. "Кўр кўрни қоронғуда топибди", деганларидек, бутун фикру зикри пулга топиш, нафсини қондириш ғамидига бу икки кимса дам ўтмай "ҳамкор"га айланиб улгуришди.

— Мен сизга наркотик моддалар келтириб бераман, клиент топишни ўзингиз уйдalayсиз, — деди Ширин хайрлашар маҳали аста шипшиб. — Аммо айтиб қўяй, қўлга тушиб қолсангиз...

С.Маҳкамов: "Тушундим", дегандек бош ирғаб қўйди. Орадан икки ой ўтди. Унганча Ширин ва С.Маҳкамов бир неча марта телефон орқали гаплашиб, гоҳида Янгиқўрғон туманидаги Заркент кишлоғи ҳудудига учрашиб ҳам туришди. Улар ҳар гал "мол"ни Ўзбекистон ҳудудига қандай олиб ўтиш

Жаҳонгир НУРИТДИНОВ,  
Наманган вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

ва уни қай тартибда сотиб даромад орттириш ҳақида узоқ режа тузишарди.

Ширин, декабрь ойи охиридаги Ширин бошқа бир ҳамтового орқали икки булак "гашиш"ни назорат қилинмайдиган чегара ҳудудларидан яширин тарзда олиб ўтиб, Заркент кишлоғига етказди ва Сарварга қўнғирқоқ қилиб, тез Поромонга етиб боришини, ўша ерда уни қутишаётганини айтди.

С.Маҳкамов Шириннинг бу тарздаги шовишлик қўнғирқоғидан унинг нима демокчи эканини англади. Шу боис ҳеч пайсалга солмай, зудлик билан Наманган шахридаги Янгиқўрғон туманига йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автомашиналар турадиган бекатга ошқиди.

У мазкур туманга кўп бор борган, қирақаш машина ҳайдовчиларининг ақсариятига яхши таниш эди. Шунинг учун машина ёллашда унчалик қўнғирқоқ килди. Фуқаро Р.Соатов уни 40 минг сўм эвазига Заркентга олиб бориб келишга рози бўлди.

Машина Заркент кишлоғи марказидан ўтиб, Поромонга етиб борган, Ширин айтган телефон рақамига қўнғирқоқ килди. Ҳеч фурсат ўтмай шу атрофдаги маҳалладан бир киши чиқиб, С.Маҳкамовни ўзи билан бошлаб кетди.

Ҳайдовчи унинг бу томонларга нима мақсадда келганини билмасди. Шу боис ҳеч бир хавотирсиз унинг қайтишини кута бошлади. Кўп ўтмай С.Маҳкамов хуш кайфиятда ортига қайтди. Ҳайдовчининг ёнига астойдил ўрнашиб, йўлга тушди.

С.Маҳкамов ташқаридан бежавотир кўринса-да, аслида юраги нотинч урар, дам-бадам атрофга олазарак боқарди.

Янгиқўрғон тумани ҳудудидидаги сув омбори яқинидаги назорат масканида беҳаловатлиги сабаби аён бўлди. Тегириги жароғинида жемфери чўнтағидан икки булак (822,66 грамм) "гашиш" гиёҳвандлик моддаси топилди.

Жиноятни тергов қилиш жараёни ва суд муҳокамасида: "Бу ишнинг оқибатини билмасдим, менга энгиллик беринглар", дея олмади. Сабаби, аввал ҳам гиёҳванд модда истеъмол қилгани учун судланганди.

С.Маҳкамовга навбатдаги жиноят учун 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Қўшбоқ Анорбоев бошида ноқ қандай ишга кўл урганлигини жуذا яхши биларди. Бироқ, бунга аҳамият қилмади. Аксинча, "Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Маҳалладагилару ишхонам билмаса бўли", қабилида иш тутди. Аммо, иш у йўлаганидек бўлиб чиқмади. Унинг сирлари тезда ошкор бўлиди. Оқибатда Қ.Анорбоев суднинг қора курсисидан жой олди.

## Бировнинг ҳақи буюрмади

Илхом АЛИКУЛОВ,


Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Қ.Анорбоев ўтган йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Зафаробод туман электр тармоқлари корхонасида ҳудуд назоратчиси бўлиб ишлаган. У шу тумандаги Бирлик кишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисининг электр ҳисоблагичларини текшириб, назорат қилар эди.

Назоратчи ўз мансабидан қинғир ишларни амалга оширишда фойдаланди-ю, барчасини расво қилди. Тўғри, жамоадагилар унга катта умид боғлашди. Ўз навбатида назорат қиладиган маҳалла ахли ҳам унга ишонч билдирди. Афсуски, у жиноий хатти-ҳаракатлари орқали барчасини пучга чикарди.

"Қим билиб ўтирибди. Ҳаммаси ўзининг қўлимда бўлса. Пуллари бу ёқдан оламан-да, у ёққа топширишда чегириб қолаверман", деб ўйлаган Қўшбоқ қисқа вақт ичида "Олмазор" маҳалласида яшовчи фуқаролар — Хуршида Улашевадан 170 минг сўм, Дилмурод Бошмоновдан 147 минг сўм, Сайдулла Назаровдан 30 минг сўм, Ўғиллой Артиқбоевадан 60 минг сўм, Хайитгул Мусурмоновдан 70 минг сўм, Хайрулла Алибоевдан 100 минг сўм, Адиба Ҳаққуловадан 300 минг сўм пул йиғиб олди. Афсуски, у олинган нақд пул маблағларини корхона хазинасига қирим қилмай, ўз нафси йўлида ишлатиб юборди.

Тергов давомида Қ.Анорбоев содир этган жиноятини тан олиб, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаб берганини, қилмишидан пушаймон эканлигини билдирди ва одил суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо олди.



# Қонунлар ижроси назоратда

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган изчил ислохотлар, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши, қишлоқ ҳудудларига саноатнинг кириб бориши, замонавий агротехнологияларнинг ўзлаштирилиши соҳа ривожда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги қонунийликни таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан тегишли тартибда назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Ана шундай тадбирларда баъзи ҳудудларда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, мониторинг давомида мақсадли ер, яъни пахта экиладиган майдонларга ноқонуний равишда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиб юборилганлиги маълум бўлди. Бундай ҳолатларни Наманган, Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида учратиш мумкин. Жумладан, Тўрақўрғон туманидаги "Бурамотуз замин гавҳари" фермер хўжалиги раҳбари 2016 йил ҳосили учун

чигит экилиши лозим бўлган 18,4 гектар ер майдонига ўзбошимчилик билан шоли ва полиз экинларини экиб, ажратилган 16,6 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағини шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборган.

Шунингдек, ушбу тумандаги фермер хўжалиқларидан "Азиз юрт толаси"нинг 15,8, "Исмоилов Султонмурод"нинг 12,5, "Сирдарё сокин соҳили"нинг 7,4 ва "Жавоҳир Абдурауф"нинг 6,9 гектар чигит экилиши лозим бўлган ер майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиб юборилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилди.

Маълумки, деҳқончиликда сувнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам бободоҳонларимиз сувдан фойдаланиш тартибларига қатъий амал қилишади. Бироқ, ўрганишларда ғўза майдонларини сугоришда сувдан самарасини ва хўжа-

сизларча фойдаланиши ҳолатларини аниқланганлиги асл деҳқоннинг кўнглини ранжитиши аниқ.

Мисол учун, Чортоқ туманидаги "Қорачўқи шаршараси" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ) раҳбари Р.Сайдуллаев, "Богистон гавҳари" СИУ раҳбари Ю.Исмоилов, "Ойқирон оқ тепа зилол суви" СИУ раҳбари А.Рафиқов ўзларига бириктирилган ҳудуддаги сув олиш иншоотларини таъмирламаганлиги оқибатида боғлар, тоқорлар ва шахсий томоққаси бўлган сувдан фойдаланувчилар томонидан сув ресурсларидан белгиланган лимитдан ортиқча фойдаланилишига йўл қўйилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Бундан ташқари, "Норин-Наманган" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи У.Хамроходжаев ва бош ҳисобчиси Д.Ғаниевлар 2015 йилда Наманган шаҳридаги "Жомий" ариғини таъмирлаш жараёни-

да 60,2 млн. сўмлик бажариларин ишларни қўшиб ёзишганлиги аниқланди ва айбдорлар қонуний жазо олишди.

Ўтказилган мониторинглар давомида айрим ҳудудларда ғўза парваришида муҳим агротехник тадбирлар ҳисобланган яғналаниш, қоқиқ қилиш, бегона ўтлардан тозалаш ҳамда зараркунданлардан ҳимоя қилиш ишлари ҳам етарли даражада ўтказилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Пискент туманидаги "Муроджон агро лидер" фермер хўжалигининг мансабдор шахслари томонидан пахта етиштириш учун ажратилган 11,5 млн. сўмлик имтиёзли кредит мақсадсиз сарфланиб, чигит экилган 10 гектар ер майдонига агротехник тадбирлар амалга оширилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Оқибатда ғўза ниҳоллари нобуд бўлиб, контрактация шартномаси шартларида назарда тутилган 51,2 млн. сўмлик ҳосил бой берилганлиги ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги

Муродулло АБДУХАКИМОВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
бошлиғи ўринбосари

таъминланди.

Қўштепа туманида ғўза зараркунданларига қарши курашиш ишлари талаб даражасида ташкил қилинмаганлиги, биологаториялар томонидан биомасхўлотлар етарли даражада ишлаб чиқарилмаганлиги оқибатида "кўсак курти" ва "ўргимчаккана" тарқалиб кетишига йўл қўйилган.

Прокуратура органлари томонидан олиб борилган назорат тадбирлари давомида 62 та ноқонуний қўлнингга нисбатан протест келтирилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 270 та тақдирнома киритилди. 2260 нафар шахс қонун бузилишига йўл қўймағли ҳақида расман огоҳлантирилди. 1663 нафар шахсга нисбатан интизомий ва маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш, жиддий ҳолатлар юзасидан эса 38 та жиноят иши қўзғатилди.

## Иқтисодиётнинг етакчи омили

Тадбиркорлик, оливей, якка тартибда тадбиркорликка оид қонун ва қонуности ҳужжатлари билан қулай ишбилармонлик муҳити вужудга келтирилди. Маъмурий тўсиқ ва говларнинг олиб ташлангани, эркин фаолият юритишнинг қонуний кафолатлари яратилгани тўғрисида мамлакатимиз иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланмоқда. Ўзбекистон дунёда иқтисодиёти энг тез ривожланётган давлатлар қаторида эътироф этилмоқда.

Қонуний кафолат ва имкониятлар, фаолиятни бошлаш, кенгайтириш учун ҳавола этилаётган қулай шарт-шароитлар, "бир дарча" орқали ҳамда масофадан туриб электрон тарзда давлат рўйхатидан ўтишнинг жорий этилиши, солиқ ва бошқа тўловларнинг оптимallasштирилиши, солиқ идораларига электрон ҳисобот топширишнинг, интерактив хизматларнинг йўлга қўйилиши, текширувларнинг чекланиши баробарида иқтисодиётнинг етакчи локомотивига айланган тадбиркорлик ва кичик бизнес кенг қулоч ёймоқда.

Тадбиркорлар энг сўнгги, замонавий, юқори самарали технологияларни ўрнатиб, рақобатбардор, сифатли маҳсулотлари билан бозорларимизни тўлдирмоқда. Катта-кичик корхоналар нафақат озик-овқат, кийим-кечак, рўзгор буюмлари, балки, хорижий ҳамкорлар билан энг сўнгги русумдаги телекоммуникация, электрон ахборот воситаларини ишлаб чиқариши ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Янги иш ўринлари яратиб, меҳнат ва бандлик муаммоларини ҳал этишга залворли ҳисса қўшишмоқда.

Фарғона вилоят прокуратураси органлари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш, уни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари иқтисодиёт мунтазам равишда таҳлил қилинмоқда. Ҳокимликлар, бошқарув ва назорат органлари қабул қилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини таҳлил этиш мобайнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 700 дан ортиқ ҳужжатлар ўрганилди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига протест келтирилиб, ноқонуний ҳужжатларнинг бекор қилиниши ва қонунга мувофиқлаштирилиши, қонун талаблари бузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланди. Хусусан, "Bastion trading" хусусий корхонаси ва "Миллий банк" Марғилон шаҳар филиали ўртасида тузилган хизмат кўрсатиш шартномасида банк

мижозининг пул маблағларини ўтказиш тўғрисидаги топшириғини тўлов ҳужжати келиб тушган кунга ёки келгуси иш кунидан кечиктирмай бажариши шартли қайд этилган. Банк филиали бошқарувчиси А.Мадвалиев корхонанинг банк кредитидан тўлов муддати келган қарзи борлигини рўқаб қилиб, корхона раҳбарининг Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси депозит ҳисоб рақамига 11 млн. ва 1,6 млн. сўмини ўтказиш ҳақидаги тўлов топшириқномаларининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида қўрсатма бериб, хусусий корхонанинг банк операцияларини қонунга хилоф равишда тўхтатиб қўйган.

Корхона раҳбари У.Убайдуллаевнинг "Миллий банк" бошқаруви "Ишонч телефони"га қўйилган мурожаатидан кейингина, орадан икки кун ўтиб, банкнинг Марғилон шаҳар филиали юқоридаги тўлов топшириқномалари бўйича пул маблағларини Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказиб берган.

Фуқаролик кодексининг 773-моддаси иккинчи қисмига асосан, банк мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишини белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хошияшга қўра тасаруф этишга, шунингдек, қонунда ва банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас. Қонун талабларига зид иш қўрган банк филиали бошқарувчиси А.Мадвалиев маъмурий жавобгарликка тортилди.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган, устав жағмараларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича ҳокимликлар ҳузурдаги комиссиялар фаолияти ҳар ойда ўрганиб борилмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқарув органлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тuzилиб, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлар билан сўхбатлар ўтказилапти, уларнинг фаолиятини тиклаш устида иш олиб борилапти. Ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини тўхтатиш сабаблари бирма-бир таҳлил қилинапти. Таҳлиллар натижасида 32 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланиб, 72 та иш ўринлари йўқо-

тилишининг олди олинди. Хусусан, Фурқат туманидаги "Rome leather" хусусий корхонаси, Бувайда туманидаги "Sholikor baliqchi sanoat" МЧЖларнинг фаолияти қайта йўлга қўйилди.

Ҳокимликлар, архитектура ва қурилиш бўлимининг ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри хизматида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ер ажратиш, ер майдонлари, кўчмас мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги мурожаатларнинг ҳал этилиши доимий ўрганиб борилмоқда. Ушбу жараёнда 3 та ҳолатда ер масаласи билан боғлиқ қонун бузилишини бартараф этиш учун тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Хусусан, Марғилон шаҳридаги "Зиё бокий барак" маъсуляти чекланган жамияти ва якка тартибдаги тадбиркор Ф.Каримовга тегишли бўлган қурилиш объектлари ер майдонларининг қиймати олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташланган. Бунга йўл қўйган шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича гуруҳ раҳбари А.Қадиров маъмурий жавобгарликка тортилди.

Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш ва бошқа муаммолар ҳақидаги мурожаатларининг ҳал қилиниши таҳлил этиб борилмоқда. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг масъулятини кучайтириш чора-тадбирлари натижасида сансалорликларга чек қўйилаяпти. Жорий йил июнь ойининг ўзида вилоят электр тармоқлари корхонасига тадбиркорларнинг 40 та мурожаати, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасига 18 та мурожаати ижобий ҳал қилиниб, тармоқларга улашиш учун ўз вақтида техник шартлар тайёрлаб берилган.

Назорат тадбирлари мобайнида аниқланган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ноқонуний текшириш ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда. Хусусан, Водил қишлоғи, Марғилон қўчасида яшовчи А.Қўлпидиновнинг туман Давлат солиқ инспекцияси "Ишонч телефони"га қўйилган мурожаатига асосан якка тартибдаги тадбиркор Р.Ҳожиёва тегишли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун рухсатнома берилган. Фарғона туман прокуратураси томонидан ушбу ҳолат ўрганилганда фуқаро А.Қўлпидинов юқорида кўрсатилган манзилда яшамаслиги ҳамда ДСИда ташкил этилган "Ишонч телефони"га дўконда савдо

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,  
Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари

қоидалари бузилгани ҳақида мурожаат қилмагани аниқланган. Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида тадбиркорлик субъектида режадан ташқари текшириш назорат қилувчи органларга аниқ далилланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳуқуқбузарлик ҳақида ахборотлар келиб тушганда ўтказилиши белгилаб қўйилган. "Ишонч телефони"га савдо дўконигаги ҳуқуқбузарлик ҳақидаги мурожаатнинг далиллар билан асосланганлигини ўрганмасдан, мурожаат этган шахсдан тушунтириш хати олмасдан қисқа муддатли текшириш ўтказишга рўқаб берган Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашир Фарғона тумани ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари ҳамда туман ДСИ бошлиғи Р.Абдувоҳидовнинг маъмурий жавобгарлиги масаласи ҳал этилиши таъминланди.

Тадбиркорлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини пухта билишлари ва уларга амал қилишлари ишчи кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан ташқари, фаолиятларига ноқонуний аралашиларнинг олдини олувчи муҳим омилардандир. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги янги қонун ҳужжатлари жойларда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида, ОАВ орқали тадбиркорларга етказилмоқда. Йил бошидан буюн жами 458 та сўхбат, матбуот ва телевидение орқали чиқишларда мисоллар келтирилиб, қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти шарҳлаб берилди.

Иқтисодиёт бардавом ривожланишининг омиларидан бири — рақобат бўлиб, у тинмай изланиб ишлашга ундайди. Қай соҳада бўлмасин, эришган натижаси билан қаноатланмай, мудом олға интилиб ишлайдиган, янги илгор технологияларни жорий этиб борадиган тадбиркорларнинг иши узлуксиз ривожланиб, жамиятга наф келтиради. Ишбилармон маҳсулот (хизмат кўрсатиш) тури, миқдорини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга интилиши баробарида янги иш ўринларини яратади. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг қонуний асослари ва кафолатлари яратилгани, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити шаклланиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда.


# Банк тизими ҳуқуқий таянчларининг такомиллашуви

Бунда молия-банк тизими ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2012 йилнинг 17 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қонун хусусий банк ва молия институтларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда республикада фаолият кўрсатаётган 26 та тижорат банкнинг 854 та филиали, 4292 та мини-банк ва чакана хизмат кўрсатувчи муассасаси орқали тизимда эришилган ижобий натижалар мустаҳкамланмоқда.

Банк хизматларининг сифатини оширишга қаратилган яна бир чоралардан бири — бу мижозларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағларни бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлигидир. Бугунги кунда мижозлар ўз ҳисобварақларини масофадан туриб, реал вақт режимида уяли ва электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда бошқариш имконига эга. Сўнгги беш йилда ушбу хизматлар-

Истиқлолимизнинг ўтган даврида банк тизими тубдан ислоҳ қилиниши натижасида мамлакатимизда аҳолининг барча қатламларига, хусусан, тadbиркорларга молиявий хизматларни кўрсата оладиган банк тизими шаклланди.



дан фойдаланувчи мижозлар сони қарийб 90 фоизга ёки 1,1 миллиондан ошди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Қарор билан "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини янада ошириш, уларнинг ресурс базасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар" тасдиқланди. Унда:

— халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ, шу жумладан, депозит ва кредит сибсати соҳасида республика банкларига нисбатан қўйилаётган меърий талабларни янада такомиллаштириш;

— тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий қилиш йўли билан аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг қўламда жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

— етакчи хорижий банклар ва молия институтларида бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида тижорат банкларида корпоратив бошқарув усуллари, шу жумладан, хатарларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш усулларини такомиллаштириш;

— илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг тартиб эгтан ҳолда кўрсатилган банк хизматлари қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек банк пластик картчаларидан фой-

## Такомиллашуви

даланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди.

Ушбу қарорнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири сифатида унда Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандартлари ва тавсияларининг 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилаётганлиги ҳақидаги вазифанинг белгиланганлигини эътироф этиш жоиз.

Шу ўринда бир мисол. Охириги беш йил ичида банкларнинг жами назорати 2,4 баробар, 2015 йилда эса 23,3 фоиз ўсиши таъминланди. Ўтган йил якунларига кўра, банклар капиталининг етарлилик даражаси 23,6 фоизни ташкил этиб, Халқаро Базель кўмитаси томонидан белгиланган меъёрлардан қарийб 3 баробар кўп бўлди.

Қайд этиш жоизки, тadbиркорлик субъектларини кредитлаш банклар фаолиятининг асосий йўналишидан бири бўлиб, ушбу йўналиш йилдан йилга ривожланмоқда. Хусусан, 2008-2015 йилларда тadbиркорлик субъектларига 40 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари, инвестиция лойиҳаларига — 45 трлн. сўмдан

Улғубек МАМАРАЖАБОВ,  
Бош прокуратура  
бошқарма прокурори

ортиқ маблағлар берилган. Айнан банклар томонидан оқилона амалга оширилаётган кредит сибсати бугунги кунда халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, "DOINGBUSINESS" халқаро рейтинг агентлигининг маълумотларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон "Кредит олиш" йўналиши бўйича 154-ўринни эгаллаган бўлса, 2015 йилда 42-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ўзбекистоннинг тижорат банклари 2016 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига жами 6,559 трлн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб мустақил Ўзбекистонимизда жаҳондаги иқтисодий ривожланган давлатлар сингари молия бозорларида фаолият юритувчи ва аҳолига сифатли ҳамда кенг қўламли банк хизматларини кўрсатувчи том маънодаги барқарор банк тизими шаклланиб, мамлакатимизда макрокўрсаткич барқарорлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳуқуқ ва эркинлик кафолати, адолат барқарорлиги, қонун устуворлиги. Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида ушбу омиллар гоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Зотан, инсон манфаатлари барча нарсадан устун бўлган, Ватан, эл-юрт тақдири, келажаги ва равақига дахлдорлик туйғуси бош мезон саналган мамлакатнинг истиқболи нурафшон бўлади.

Янгиқўрғон туман прокуратураси ходимлари ҳам қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, юрдошларимизда қонунларга ҳурмат ва итбат туйғусини шакллантириш йўлидан бормоқда. Юрт равнақи борасидаги муваффақиятлар қамрови ва салмоғи янада ортишига эришиш мақсадида қонунчилик ижроси борасида жиддий масъулият ва қатъият билан фаолият олиб бораёмиз. Таҳлиллар, далиллар ва таъсир чоралари шундан далолат беради.

Маълумки, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ташаббуси билан истиқлол йиллари турлича номлар билан юритилиб, шу асосда қабул қилинган давлат дастурлари асосида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, ёшлар ўртасида ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг дастлабки ярим йиллиги мобайнида туманда қонунларнинг ижро этилиши юзасидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида 52 дан ортиқ текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра 348 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Шу йўналишда ўтказилган текширишларда эса вояга етмаганларни иж-

## Тараққиёт одимлари асоси



Улғубек НОМАНОВ,  
Янгиқўрғон туман прокурори

тимойи қўллаб-қувватлашга, аҳолининг барча қатламларини, хусусан, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни тиббий кўриқдан ўтказиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, фан, маданият ва спорт тўғрисидаги кенг жалб этишга доир фаолиятга эътибор қаратилди.

Аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан тегишли таъсир чоралари қўлланилди.

Мансабдор шахсларнинг 60 та ҳуқуқий ҳужжати ва қарорлари протестлар асосида бекор қилинди ёки қонунга мувофиқ ҳолга келтирилди. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича жойларга 51 дан ортиқ тақдимнома киритилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар моҳияти инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Зотан, жамият равнақи инсон кадр-қимматининг улуғлигини билан боҳоланади. Шу нуқтаи назардан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муружоатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳам фаолиятимизда устуворлик касб этган. Ушбу йўналишдаги фаолиятда ҳар бир ши-

коят ва ариза ортида инсон ҳаёти, тақдири, унинг орзу-умидлари муҳасам деган қоидага амал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам туман прокуратурасига келиб тушган муружоатларнинг 205 таси бевосита прокуратура органлари томонидан ҳал этилиб, шундан 60 таси қаноатлантирилди.

133 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қонунларни кўпол тарзда бузиш ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши кўзга тутилди. Етказилган моддий зарарларни ундириш юзасидан судларга 42 та даъво аризаси киритилди ва 53 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Туман прокуратураси томонидан тумандаги бошқа ташкилот, муассаса ва корхоналарда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружоатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилиниши юзасидан ўтган давр мобайнида ўтказилган текширишлар натижалари бўйича аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 3 та тақдимнома киритилди, 7 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тadbиркорлик субъектларини

ҳуқуқий ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолларига барҳам беришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, шунингдек, Бош прокурорнинг мазкур соҳага оид буйруқлари ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

Туман прокуратураси томонидан жойларда тadbиркорлик субъектлари билан ўтказилган учрашувлар натижасида уларнинг 4 нафарига 170 млн. сўм банк кредити олиб берилиши, 6 та ҳолатда қонуний рўйхатдан ўтмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахсларнинг фаолиятига қонуний тўс берилиши, 2 нафарининг 2 млн. 700 минг сўм миқдоридagi ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.


Ўз навбатида, тadbиркорлик субъектларининг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилишига оид ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилди.

Шу каби туман иқтисодий раванқни кўлаб, чет эл инвестицияларини жалб этиш, сармояларни мақсадли ишлатиш, экспорт-импорт фаолияти, хотин-қизлар манфаатлари муҳофазаси, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, ижтимоий муҳофаза, коммунал хизматлар ва тизимда тўлов интизомига риоя этилиши, трансмилий жиноят сифатида долзарблик касб этаётган одам савдосига, умуман, жиноятчиликнинг барча турларига қарши курашиш борасидаги фаолият доимий кун тартибига бўлмоқда.

Тараққиёт асоси барча соҳаларда қонунийликни таъминлашга боғлиқ экан, бу борадаги фаолият бизни ҳамisha вазифамизга жиддий масъулият билан ёндашишга ундаб туради.

# Виртуал хатар ва «оммавий маданият»

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов дунё аҳолисининг хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантириб, "Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий инфорацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас", дея таъкидлаган эди.



**Фаррух ТОШПУЛАТОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридagi  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
матбуот хизмати бош инспектори

Экспертлар фикрига кўра, ер юзи аҳолисининг 24 фоизи интернетдан деярли ҳар кун фойдаланади. Хозирги кунда глобал тармоқдаги энг кўп мушоабат қилинадиган веб-саҳифаларнинг 23 таси ижтимоий тармоқлар сирасига киради.

XX аср давомида инсониятнинг таҳликага солиб келган ядровий уруш хавфини эндиликда ахборот хуружлари эгаллади. Улар инсон онги ва тафаккурига таъсир ўтказишнинг энг осон ва кам чиқим усули бўлиб, яхлит бир жамиятнинг парокандаликка олиб келиши ҳеч гап эмас.

Хавотирнинг нақадар асосли эканини исботлаш учун мавжуд рақамларга эътибор қаратиш қийин. Айни вақтда глобал тармоқда ўз жониға қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 минг, шахвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуд бўлса, уларнинг 49 фоизи компьютер ўйинлари орқали зўравонлик ва ёвузлик тарғиб қилаёттир. Дунёдаги 41 фои болалар ва ўсириллар On-line тарзда тарқатилётган порнография мазмундаги манбалар таъсирига туришиб қолмоқда. Халқаро экспертлар дунё мекиссида 40 фоиға яқин бола зўравонлик рухидаги сайтларга, 25 фоиға миллатчилик характеридagi веб-сайтларга мунтазам кириб туришини тасдиқламоқда.

Бу нарса миллионлаб инсонлар, айниқса, ёшларни ўз домига тартаётгани хавотирлиқдир. Ушбу рақамлар дунё мекиссида олинган бўлиб, улар орасида бизнинг ёшларимиз ҳам борлигини асло унутмаслик лозим.

Бугун дунё аҳолисининг аксарияти қандай мазмундаги ахборот бўлишидан қатъи назар, уни асосан интернетдан олишга ҳаракат қилади. Бир қарашда бу жуда осон усул бўлиб, энди соатлаб китоб варақлар, зарур маълумотни минг машаққатлар билан излашга ҳожат йўқ. Ҳаммаси интернетда муҳайё.

Тезкорлик ва турли кўришилларда ахборот тарқатиш имконияти, аудиториянинг қайта алоқага чиқиши учун мавжуд кулайликлар бизнес, тадбиркорлик, реклама, оммавий алоқалар ҳамда ахборот хизматлари учун катта инфорацион майдонини яратган.

Умуман олганда, уюлтирилган вазиқасидан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий тармоқлар фикр ва таъриба алмашиш, маълум бир соҳа вақиллари ўртасида мулоқот ўрнаттиш каби мақсадларга хизмат қилиши лозим. Афсуски, истеъмолчи томонидан бу тармоқлар кўпроқ эрмак, кўнгли-хушлик учун танланмоқда.

Ўртимизда бугунги кунда ёшларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликларга дунёнинг ривожланган давлатлари ҳавас билан қарамоқдалар.

Шундай бўлса-да, биз бир зум бўлсин, бепарволикка берилмаслигимиз, ёшлар орасида интернет тармоқидан фойдаланиш маданиятини мунтазам юксалтириб боришимиз, энг муҳими, ундаги ҳар бир жиҳатга онгли равишда муносабат билдири олиш кўникмаси талаб этилади.

Куч орқали мақсадга эришиш инсоният томонидан бирдек қораланади, чунки бунда инсонга жисмоний оғриқ, шикаст, моддий зарар етказилади. Ахборот хуружи орқали таъсир кўрсатишга уринаётган кимсаларни эса бирор нарсада айблаш қийин, зеро, улар тарғиб қилаётган гоёлар ортида қандай манфаатлар яширинганини билиш ва англаш осон эмас.

Инсоният бошидан ўтказган инқилобларни тадиққ этиш асосида ва инсоннинг феъл-атвори ҳақидаги билимлар неғизида XX асрнинг 30-йилларида янги назария пайдо бўлди. Бу назариянинг муаллифи Италия компартиясининг асосчиси ва назарийчиси Антонио Грамши эди. Унинг фикрича, гегемония жамиятнинг "маданий ўзаги" га таянади. Бу ўзақ инсоннинг ҳаёт, яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини, билим ва таъриба, анъана ва рамзларни ўз ичига қамраб олади. Маданий ўзақ қанчалик барқарор бўлса, мавжуд тартибни сақлаб қолишни ихтиёр этган жамоанинг иродаси ҳам шу қадар қатъий бўлади. Маданий ўзақнинг кучсизланиши ёки кўпорилиши эса жамоа иродасининг емирилишига олиб келади ва инқилоб учун замин яратади.

Бунинг учун кўлга қурол олиш талаб этилмайди, балки кўп сонли китоб ва рисолаларда, журнал ва газеталардаги мақолааларга маданий ўзақни таназзулга етказиш "вирус" — гоё"ларни тарқатишнинг ўзи киёра.

Тарихий хотирани сусайтириш, жамиятдаги бирдамликка пултур етказиш, анъанавий қадриятларни емириш, халқни маънавий илдиэларидан махрум этиш, соғлом ақлни "ўчириш" каби усуллари тақлиф қилган Грамши қарашларини унинг замонавий "шоғирдлари" янги йўналишлар — ахлоқсизликни тарғиб қилиш, инсоннинг энг тубан майллари, ҳайвоний хирсини, нафсини кўзга ҳисобига бойитдилар.

Соғлом ақл "ўчирилган", инсонни ақл бовар қилмас афсона ва уйдирмаларга ҳам ишонтириш осон бўлади. Айни пайтда жаҳонда кенг кулоч ёйган мафқуралардан бири "евроцентризм" деб аталади. Номидан кўриниш турганидек, Фарбдан андоза олиш, унга тақлид қилиш тараққётнинг бош омили эканлиги уқтирилади. Улар "Фарб издан бор — бу энг яхши дунёлардан биридир", дея маслаҳат берадилар.

"Оммавий маданият" Фарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Фарбада "поп-культура" (яъни "оммавий маданият") деб аташади.

"Поп-арт" чиларнинг дастурий қарши шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни ёъозлашади, маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси — маънавиятнинг ўлдирши ва буюмларга куллики рағбатлантиришидир. Америкалик таниқли адиб Рей Бредбери айтганидек, "оммавий маданият" мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси — автомобиль, телевизор, музлатгичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса, шунча яхши.

Албатта, "оммавий маданият" таъсирини етарлича баҳоламаслик, уни оддий кўнглин очар иш, "иккинчи нав санъат", тутуриқисиз, бемаъни, бачкана ҳодиса деб ҳисоблаш нотўғри. Чунки "оммавий маданият"ни соддагина тушунтириш орқали замонавий маданиятнинг жиддий ҳодисасига жамиятнинг эътибори кучайиш ўрнига сусаяди ва унинг жамият ахлоқий соғломлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳисобга олинмай қолади.

"Оммавий маданият" қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

Китч — заррача бадиий-эстетик қийматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш.

Комикс — тағига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаё матбаа — расм маҳсулотлари.

Старизм — субъектив эхтиросларга берилган ҳолда эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар ва телешоувчиларни илоҳийлаштириш.

Хиппи — аввалдан режалаштирилмаган, ноғохон уюштириладиган "кеескин" томошалар, масалан, роля, пианино ёки автомобилларни уриб абжагини чиқариш ёхуд ўт қуйиш орқали вахиёна, оммавий "кўнгли очиш"лар уюштириш.

Булар "оммавий маданият"нинг айрим кўринишлари, холос.

"Оммавий маданият"да "оммавий музика" алоҳида ўрин тутади. "Оммавий музика"ни кучайтирилган ритмик тузилмалари музика — "янги рок" белгилайди. Яъни жазавали ритм, зарб, шовқин ушбу музиканинг кийфасидир. Бу музика тинглашга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. "Оммавий маданият"даги техник-ижро востилари музика имкониятларини ниҳоятда тарайтирмоқда, полифонизм — музикаий садолар бойлиги ва

ранг-баранглигини йўққа чиқармоқда.

Ўртимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асариди: "Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсоният маънавиятга қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган, кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан кучли, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин", дея жуда ўринли қайд этилган.

Бу фикрнинг нақадар жиддий асосга эга эканлигини интернетда мавжуд салбий ва зарарли сайтлар, яъни ўз ўзини ўлдирши йўллари тарғиб этувчи сайтлар қарийб 10 мингга яқинлашгани, бундан-да кўп террорчилик ва экстремистик сайтлар, қарийб 5 минг порнография сайтлар ва бошқа тарбияга зид сайтлар қўлайгани ҳам тасдиқлайди. Қаразли сиёсий кучлар ўзларининг манфур мақсадлари йўлида интернетдан усталик билан фойдаланмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, Буюк Британияда "Ўзини тутиш кодекси" ва "Хавфсиз тармоқ" мустақил жамғармаси зарарли, ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қилади. Айрим Европа давлатларида қўнун асосида сайтларни блокировка қилиш белгилаб қўйилган. Худасан, Германияда бу масала суд қарорига кўра амалга оширилади. Россияда эса турли ахборот хуружларига қарши курашиш мақсадида "Хавфсиз интернет маркази" ташкил этилган. Умуман, Европа Иттифоқи томонидан 6 та қўнун ҳужжати қабул қилинган ва "Хавфсиз интернет" дастури ишлаб чиқилган.

Гарвард университетининг тиббиёт факультети маълумотларига кўра, америкалик бола 18 ёшга тўлгунча телевизор экранидан 180 минг мартадан кўпроқ зўравонлики кўрар (Шундан тахминан 80 мингтаси қотиллик) экан. Шунингдек, АҚШда болалар учун кўрсатувларнинг 66 фоиғида зўравонлик сахналари бўлиб, телевидение тўртдан ўч ҳолатда зўравонлик асло жазоланмайдиган дастурларни намоиш этар экан. Хозирги "оммавий маданият" неғизида Америка киноларидан кўрўрона нусха кўчирилиши ёхуд унинг энг ёмон намуналарига тақлид қилиниши ҳисобга олинса, мазкур маълумотлар экран зўравонлиги ва унинг ижтимоий онга, энг аввало, ёшларга таъсири ҳақидаги масалани жиддий қўйишга мажбур этади.

Охири вақтларда телевидение ва кинематографиянинг болалар таъсирига бағишланган мингдан зиёд тадиқотлар олиб борилди. Бу тадиқотлар

жаҳондаги турли мамлакатларда, турли ирқ, миллат ва ижтимоий гуруҳларга кирувчи ўғил ва қиз болалар орасида ўтказилди. Шунга қарамай, натижалар деярли ўхшаш бўлиб чиқди: экран орқали кўрсатилган агрессия болаларни одамларга ва жонсиз буюмларга нисбатан янада таъовузкор қилиб қўяди.

Эътибор қилинса, турли сериалларда ўз рақибларини чаққонлик билан саранжом қилаётган зўравонлик ёки эстрада "юлдузлари"нинг ҳаёти қаҳрамонлаштирилиб, уларнинг барча нарасига: кимматбахо автомашинадан тортиб, далаҳовлига эга бўлиши умр мазмунини деб билиш оддий, одатий ҳолга айлантириб кўрсатилмоқда.

Эндигина чўккан қўшиқчилар (жумладан, ўзбек шоу-бизнесида ҳам, гарчи уларнинг кўпчилиги махсус маълумотга эга бўлмаса-да) эса актёрларга айланиб, ёшлар онгига паст савиядаги турмуш тарзи қодаларини сингдиришади, буларнинг бари режиссёрлар ва сценарий муаллифлари томонидан хурмат-эътибор ва ҳайратга лойиқ ҳодисадек тақдим этилади.

Умуман олганда, "оммавий маданият" кўтқуси билан Фарб жамияти маънавий ҳаётда инқироз, тушкунлик туфайли бузғунчилик, оммавий невроз, ахлоқсизлик, таъовузкорлик каби ҳолатлар намоён бўлиб, тобора тухтарли тус олмақда. Зеро, глобаллашув жараёни, замонавий коммуникация тармоқларининг жадал ривожланиши, маданиятларора, инсонларора мулоқот кенгайиб бораётган бир паллада Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш, ёшларимизни ақли, оқили қорадан ажрата оладиган, мустақил фикрга эга бўлган, вазиатини таҳлил қилиб, тўғри йўл танлай оладиган баркамол шахс этиш тарбиялаш гоёт муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода турли гоёлар, ҳаётий қараш ва қадриятлар тўқнаш келган пайтда шахс масъулияти, у танлайдиган ижтимоий оруз-умидларнинг аҳамияти ҳам бевосита ортиб боради.

Бугунги кунда ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қонунчилик соҳаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётидаги ташаббуслар кибержиноятчилар фаолиятига тўсиқ қўйиши, технологиялар эса жамиятга етказиладиган зарарни имкон қадар камайтириши мумкин. Жаҳон ахборот тармоқидан фойдаланувчилар эса интернетда ҳе қандай вирусга қарши дастур ёки файвол ҳимоя қила олмайдиган хавф ва таҳдидлар кўпчилигини унутмаслиги даркор.

Зеро, фақат юксак масъулиятни ҳис этиш, қатъий тартиб-интизомга риоя қилиш, метёр-ни сақлаш ва атирфақиларга наф келтириш истаги бўлсанга бу хавфларга қарши ишончли қалқон бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида

/Давоми. Бошланғич 1-бетда/

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг самардорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторингини олиб борилишини ва баҳолалишини таъминлайди;

ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими**

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимига қуйидагилар кирради:

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; маданият ва спорт ишлари бўйича органлар;

меҳнат органлари; прокуратура органлари; ички ишлар органлари; аҳолия органлари; мудофиа ишлари бўйича органлар.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкин.

**10-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади; манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргалликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширишда ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади;

ёшларнинг таълимни ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўради;

таълим муассасаларида ёшларнинг буш вақтининг мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғрақлари ва ижодий тўғрақлар, клублар ташкил этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади; имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этади;

ёшлар ўртасида тизимли тиббий текширувларни ташкил этади;

имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, зарарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Маданият ва спорт ишлари бўйича органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилишни ва спортга қизиқини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида халқ ўйинлари, миллий ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини ташкил этади;

ёшлар ўртасида бадиий ижодиётни, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини тарғиб қилишни амалга оширади;

ёшлар ўртасида кино, театр, мусиқа, хореография, тасвирий, цирк, халқ амали санъатини ва эстрада санъатини ривожлантиришга, уларнинг ятовий-бадиий ва ахлоқий савиясини оширишга қўмақлашади;

ёшлар ўртасидаги оммавий-маданий ва байрам тадбирлари ятовий мазмун билан тўлдирилишини таъминлайди, ижодий уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўyadi;

ёшлар ўртасида халқаро маданий, спорт алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашда, конференциялар, кўрғазмалар, спорт мусобақаларини ўтказишда иштирок этади;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмақлашда, уларнинг ўз иқтидорини ва истеъодини тўлақонли намоян қилиши учун зарур шароитлар яратлади;

халқаро ва республика миқёсидаги ижодий сафарларнинг ташкил этилишини ҳамда маданият ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа тадбирларда иқтидорли ва

истеъодли ёшларнинг иштирок этишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Меҳнат органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Меҳнат органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг бандлиги даражасини тизимли асосда таҳлил қилади, уларнинг бандлигини таъминлашда иштирок этади;

ёшларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Прокуратура органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Ички ишлар органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Адлия органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан тақлиф қилтиради;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа орган-

лар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Мудофиа ишлари бўйича органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Мудофиа ишлари бўйича органлар:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг қақирғува қадр бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этади;

ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий-ваганарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мудофиа ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**18-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргалликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаолиятини оширишга, соғлом ва баркамол ёш аҳолийни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади;

тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга қўмақлашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**19-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади;

соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаолиятини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказилади;

ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга қўмақлашади;

фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга қўмақлашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оши-

ради;



ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юкумди касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гнѐвданликка, заҳарданликка, кашандалликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, ёшларнинг бундан ташқари мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этиди;

ёшлар орасида экологик маданиятни оширишда, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришда кўмаклашди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин;

ёшларни талбиркорликка жалб этишга, касба йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашди.

Нодавлат нотижорат ташиқлотлари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа талбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Даавлат ёшларга оид давлат сѐсатини рўбѐга чиқаришда нодавлат нотижорат ташиқлотларининг иштирок этишини кафолатлайди ва таъминлайди.

#### 20-модда. Ёшларга оид давлат сѐсатини рўбѐга чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши

Оммавий ахборот воситалари: ёшларга оид давлат сѐсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиди;

ёшларга оид давлат сѐсатини рўбѐга чиқаришга, шу жумладан соғлом ва баркамол ёш авлодини тарбиялашга, жамият ҳаётида унинг роли ва фаолиятини оширишга, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган талбирларни ёритишди;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишга доир талбирларда иштирок этиди;

ёшларга оид давлат сѐсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар рўбѐга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сѐсатини рўбѐга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари билан ёшларга оид давлат сѐсатини рўбѐга чиқариш масалалари буйича ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа талбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

#### 21-модда. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташиқлотлари

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташиқлоти жисмоний ва (ѐки) юридик шахслар томонидан ихтиѐрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олманган ҳамда олинган даромадлари (фойдани) ўз иштирокилари (аъзолари) ўрта-сиза тақсимламайдиган, ёшларнинг шахсий, сѐсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўбѐга чиқаришни ҳамда ҳимоя қилишни, шунингдек ёшларнинг ижтимоий фаолиятини оширишни ўзининг мақсадлари деб билидиган, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотдир.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташиқлотларини давлат моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг бинсоларини, клублар, маданият ва аҳоли дам олиш марказларини, спорт иншоотларидан ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташиқлоти ўз уставида назарда тутилган, фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган биналарга, иншоотларга, уй-жой фондига, ускуналарга, ашёларга, маданий-маърифий ва соғломлаштириш учун мўлжалланган мол-мулкка, пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлган шахс ёшларнинг нодавлат нотижорат ташиқлоти аъзоси бўлиши мумкин. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташиқлотига аъзо бўлиш, аъзоларини йўқотиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшга кўра унинг аъзолигини чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташиқлотининг уставида белгиланади.

#### 3-БОБ. ЁШЛАРНИ ҲУҚУҚИ ВА ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

##### 22-модда. Ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунга мувофиқ ҳар бир ёш фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади.

Ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чеklangани мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бирор бир тарзда бевосита ѐки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди ҳамда бундай чеклаш қонун ҳужжатларида мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат вояга етмаганларни жазони ижро этиш муассасаларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлашда шахснинг ҳуқуқларига ва қалр-қиммати ҳурмат қилинишига, инсонпарварлик принципларига риоя этилишини кафолатлайди.

Вояга етмаганлар учун улар содир этган ҳуқуқбузарлиқнинг оғирлик даражаси ва уларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида қонун ҳужжатларида мувофиқ табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилади.

##### 23-модда. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшлар учун қуйидагилар кафолатланади:

беул тиббий хизмат кўрсатилиши;

беул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими олиши;

давлат таълим муассасаларида давлат грантлари доирасида беул олий таълим олиши;

давлат спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларига бориш учун шарт-шароитлар яратиш;

уй-жой куриш, олиш ва уни реконструкция қилиш учун имтиѐзли кредитлар бериш;

таълим муассасаларида ўқиш учун имтиѐзли кредитлар бериш;

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш;

ўрта махсус, касб-хунар ѐки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандлиқни таъминлаш буйича чора-тадбирлар кўриш;

меҳнат соҳасида ёшга доир ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда имтиѐзлар бериш ва ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва куриш чоғида ёшларнинг аътижларини ҳисобга олиш;

жамоат транспортидан фойдаланишда имтиѐзлар бериш.

Иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ѐрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш буйича махсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек ижтимоий ҳимояга мўтжоб бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланади.

Кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ѐрдам бериш чоралари қўрилиши мумкин.

Ўқув жараѐни вақтида ўқувчилар ва талабаларни жамоатчилик ишларига жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан улар томонидан танланган мутахассисликка мос ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиятининг шакли бўлган ҳоллар ѐхуд ўқувчилар ва талабалар ўқишдан бун вақтида ихтиѐрий меҳнат қилган ҳоллар мустасно. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат тўғрисидаги ѐки фуқаролик қонун ҳужжатларида мувофиқ шартнома мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишининг бошқа кафолатлари ҳам берилиши мумкин.

##### 24-модда. Ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари

Ёш фуқаролар ва ёш оилалар учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан қуйидагилар воситасида ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари назарда тутилиши мумкин:

оилавий ҳаѐтга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш тизимини ривожлантириш;

ёшларга ижтимоий хизмат, ижтимоий ѐрдам кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташиқлотлари тизимини ривожлантириш;

ёшларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этиш тизимини ривожлантириш.

Қонун ҳужжатларида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа қўшимча чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

##### 25-модда. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш: қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантлари тақдим этиш; фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устаноналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида спорт секциялари, фан, техника тўғрақлари ва ижодий тўғрақлар фаолиятини ташкил этиш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўрғазмалар, фестиваллар, кўриқлар, концертлар, симпозиумлар, ўқишлар, конференциялар, семинарлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

ёшларга оид халқро тажриба алмасуви; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида, шу жумладан хоржий мамлакатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва амалиётни ўташ дастурларидан танлов асосида фойдаланишни таъминлаш;

илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ишларни ўтказиш учун ёш мутахассислар ва олимларга шарт-шароитлар яратиш, ёш олимларнинг ишланмаларини амалиѐтга жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек ёшларнинг кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш;

спорт-таълим муассасалари, клублари тармоқларини ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаётган жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

##### 26-модда. Ёшлар талбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлайди.

Ёшлар талбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш: давлат органлари томонидан ёшлар талбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш;

ёшларни талбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиѐзли кредитлар бериш;

ёшларни талбиркорлик фаолияти асослари буйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;

ёшлар талбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўбѐга чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Ёшлар талбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан қонун ҳужжатларида мувофиқ тегишли имтиѐзлар ва афзалликлар белгиланади.

##### 27-модда. Ёшлар ижтимоий хизмати

Ёшларни ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолият кўрсатади.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ѐрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш;

имкониѐти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ѐрдам кўрсатиш;

ёш оилаларга ижтимоий ѐрдам кўрсатиш;

таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўбѐга чиқаришга кўмаклашиш;

ѐш мутахассисларга янги иш жойига мослаштириш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш;

вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ижтимоий ѐрдам кўрсатиш;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш;

ёшлар талбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;

##### Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 14 сентябрь  
№ УРҚ—406

ҳуқуқий тарбиёт, ёшларни ишга жойлаштириш, таълим олиш ва касбий тайёрлик боради, бундан ташқари мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониётлар тўғрисида хабардор этиш;

ёшларнинг яшаш жойларида бундан ташқари мазмунли ўтказишини ташкил этиш.

Ёшлар ижтимоий хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа йўналишлар буйича ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

28-модда. Ёшларга оид давлат сѐсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш

Ёшларга оид давлат сѐсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасини Давлат бюджетининг, ҳомилярнинг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Ёшларга оид давлат сѐсати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

##### 30-модда. Ёшларга оид давлат сѐсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ёшларга оид давлат сѐсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

##### 31-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сѐсатининг асослари тўғрисида"ги 429—XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сѐсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киритиш тартиби ҳақида"ги 430—XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 81-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 621—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5—6, 102-модда) 1 бўлимининг 3-банди;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 621—II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) II бўлими;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги 714—II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) 1 бўлимининг 8-банди;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган "Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги УРҚ—197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) 3-моддаси.

##### 32-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

##### 33-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

# Тубанлик

Куёш барчага баравар нур соцади, дейишади. Бироқ, унинг нуридан ҳамма ҳам бир хилда баҳраманда бўлавермайди. Тиканли сим, темир панжаралар, баланд деворлар ортидан мўралаган тонгги куёш кўнгила озод ҳаётдаги каби илиқликни бера олармикан? Тўғри, тиканли симлар билан ўралган қамоқхона ҳовлиси ҳам куёш нуридан бебаҳра қолмайди. Аммо, куёшнинг бебаҳо нури озодликдан маҳрум этилганларга ўзининг ширин гаштини улашиш учун тиканли симларни ошиб ўта олармикан? Озодлик сўзини бу ердагилар нондай азиз кўришади. Жинорий қилмиши учун сим тўрлар ортида бир неча йил умрини ўтказишга ҳукм қилинганлар оилар, кунлар, соатлар санайди. Гўёки, уларни ўтаётган ҳар бир лаҳза озодликка яқинлаштираётгандек. Саналаётган ҳар лаҳза, соат, кун ва оилар уларни исканжага олади. Энг ачинарлиси, улар ўйламай босган қадамлари учун ўзларини лаянатлаб яшайди.

А йни вақтда олтимиш ёшни қоралаган Шохид Содиқова 2003 йилда қотиллик жиноятини содир этиб, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Ўртинмишда эълон қилинган амнистиялар туфайли 2009 йилда у озодликка чиққан эди. Афсуски, бу кимса олий маълумотли бўлишига қарамай, тўғри йўлни танламаган, қолаверса, биринчи жазодан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармаган экан. Жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиққан Ш.Содиқова пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида атир-упа, кўрпача сотиб, тиркичилик қилиб юрарди. Ана шу жараёнда у фуқаро Замира Илҳомова (марҳумаларнинг исм-фамилиялари ўзгартирилган) билан танишиб қолади. Гап гапга қовушиб, икковларининг ҳам кўнгиллари ярим, дардлари бирдек кўринади. Шу боис, тез-тез учрашиб турадиган, сўхбатлар қуриб ўтирадиган бўлишди. 3.Илҳомова шаҳарчадаги ётоқхоналардан бирида ишлар, у ҳам "орифлейм" фирмасининг атир-упаларини сотиб, ўзига қўшма даромад топиб юрарди. Икки аёл ўртасидаги яқинлик бора-бора махсулот алмашиш ва ўзаро қарз олди-бердисига ҳам сабаб бўлди. Хусусан, 2015 йилнинг август ойларида 3.Илҳомовага пул керак бўлиб қолади. Табиийки, у қарзни ўзига яқин бўлиб қолган Ш.Содиқовадан сўрайди. Аввал ҳам олди-берди қилиб юрган аёллар бу сафар ҳам бир-бирларини қўллайдилар. Ш.Содиқова 5 млн. сўм пулни қарз сифатида 3.Илҳомовага беради ва унга икки ойда қайтаришини айтади. Қарз олувчи ҳам бунга рози бўлади.

Кунлар бир-бирини қувиб, хашпаш дегунча белгиланган оилар ўтиб кетади. Бироқ 3.Илҳомова келишилган муддатда пулни қайтара олмади. Бир машҳур адибимизнинг "агар пулни қайтариш бўлганда, ўзини еб қўярди", деган ибораси халқимиз томонидан онда-сонда бўлса ҳам эслаб турилади. Ана шу қарз 2-3 йилдан буён деярли опа-сингил каби яқин бўлиб қолган икки аёлнинг ўртасига совуқчилик туширади. Энди улар бир-бирлари билан тез-тез жанжаллашадиган бўлишади. Ана шундай кунларда, яъни ўтган йилнинг октябрь ойида 3.Илҳомова 2015 йилнинг охиригача қарзни қайтаришга ваъда беради. Ш.Содиқова ҳам бунга рози бўлади.

Қарзи қайтарилишининг кечикишига кўнган Ш.Содиқовага бу ҳолат таъсир қила бошлади. Қандай бўлмасин, қарзини тезроқ олиш ҳаракатига тушади. Орадан бир неча кун ўтиб, 2015 йилнинг 12 октябрь кунини у 3.Илҳомованинг онаси Адиба Илҳомовага қўнғироқ қилиб, кизининг қарзи ҳақида гаплашиб, масалага оидинлик киритиш учун кекса аёлни "Шифокорлар" шаҳарчасидаги ижарада турган уйига чақиради.

Она учун фарзанд доим азиз бўлган. Қизи қарз туфайли Ш.Содиқова билан жанжаллашганини яхши биларди. Шунинг учун ҳам А.Илҳомова ёнига 500 АҚШ долларини солиб, қарзнинг бир қисmini узатиш мақсадида Ш.Содиқова айтган жойга боришга мажбур бўлади.

Бу вақтда Ш.Содиқованинг нияти бошқа бўлиб, у она-болани ўлдирishi мақсад қилганди. Ҳатто ўзининг фарзали мақсадини амалга ошириш



ушун хонадонига бета ва пичоқ олиб келиб қўяди.

Ш.Содиқованинг жинорий режасидан бебабар бўлган А.Илҳомова айтилган манзилга келиб, эшик кўнгиригини босади. Остонада уни қарши олган Ш.Содиқова кекса аёлни ичкарига таклиф қилади. Осовийшта бошланган сўхбат гап талашига, ундан жанжалга айланади ва Ш.Содиқова қўшни хонадан болта олиб чиқиб, А.Илҳомованинг дуч келган жойига ура бошлади. Болта билан берилган кетма-кет зарбалардан у жиддий тан жароҳати олади ва воқеа жойида жон таслим қилади.

Ш.Содиқова шундан сўнг марҳуманинг кизини ўлдириш режасини тузади. Қонга беланиб ётган аёлнинг чўнтагида кўл телефонини олиб, 3.Илҳомовага қўнғироқ қилиб, "Онангизни мазалари қочиб қолди", дейди. Бу хабарни эшитган 3.Илҳомова дарҳол аввалдан таниш бўлган манзилга шошади. Уни ҳам эшик олдида Ш.Содиқова кутиб олиб, уйига таклиф қилади. Ичкаридаги ҳолатни кўриб, нима бўлганини англашга улгурмаган 3.Илҳомова ҳам шарфатсизларча болта билан уриб ўлдирилади.

Ш.Содиқова марҳума А.Илҳомованинг қуллоғидаги баҳоси 24 млн. сўмлик зирагини, чўнтагидаги 500 АҚШ долларини ва 3.Илҳомованинг ҳам қуллоғидаги 433 минг сўмлик зирагини ечиб олади.

Икки кишининг умрига зомин бўлган Ш.Содиқова ҳеч иккиланмай, яна бир жиноятга қўл уради. Энди у марҳумаларнинг мурдаларини тахрирлайди. Аёлларнинг жонсиз таналарини бўлақларга бўлиб, бир неча цelloфан пакетларга жойлайди ва "Оқорчи Тошкент" каналига ташлаб юборади.

Ш.Содиқова яна бир мудҳиш режа тузади. Агар яна бир одамни ўлдирса, қилмишлари ошкор бўлмай, ёпиғлик қозон, ёпиғлигича қолади, деган фикр унинг миёсига яшиндек урилади. Қотил шу мақсадда Замира Илҳомованинг "Қорақамиш" даҳасидаги уйига ташриф буюради. Боси, айни пайтда Замиранинг ўғли Хуршид уйда ёлғиз эди.

— Хуршиддон, эшикни оч, мен Шохида холангман. Сени уйимга олиб кетгани келдим, — дея вояга етмаган

Алишер СУЛТАНОВ,  
Бош прокуратура бошқарма АМИБ  
катта терговчиси

болани алдайди Ш.Содиқова. — Ойижонинг билан бувижонинг сафарга кетишди. Сени уйимга олиб кетиб, қараб туришимни менга тайинлашди.

Бироқ, бола унинг таклифига кўнмайди. Хуршид онасининг опаси, яъни холаси Саида Тўхтаевага қўнғироқ қилиб, Ш.Содиқованинг гапларини айтади. Хола жинояти бегона жойга бормаслигини, уни ўзининг уйига олиб келиб қараб туришини айтади. Боланинг рад жавоби Ш.Содиқованинг режалари амалга ошишига тўсқинлик қилади. У учинчи қотилликни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охиригача етказса олмади.

Ўтган йилнинг 12 октябрь кунини эрта билан уйдан чиқиб кетган А.Илҳомованинг кечгача қайтмагани фарзандларидан хавотир уйғотади. Қўл телефонини эса учирилган эди. Айни шу кунини Ш.Содиқова унинг телефонидан марҳуманинг қизларидан бирига "Хавотир олмаганлар. Биз 2-3 кунда бориб қоламиз", деган смс-хабар юборади. Бу хабардан бироз хотиржам бўлган фарзандлар яна икки кун жигарбандларини кутишга мажбур бўлишади. Аммо улардан бошқа хат-хабар бўлмайди. Шундан сўнг ушбу ҳолат ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилди.

Тезкор-қидирув жараёнида бедарак йўқолган шахслар ўша кунини кимлар билан сўхбатда бўлганликлари аниқланади. Иш бўйича дастлабки гумонланувчи Ш.Содиқова эди. Уни ички ишлар идорасига чақиривганида, нимадандир безовта бўлаётгани юзқўздан билиниб турарди. Тергов жараёнида бу кимса содир этган жиноятга иқдор бўлишдан бошқа чораси қолмади. Шунингдек, унинг қилмишлари бошқа далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Ш.Содиқовани хавфли рецидивист деб топди ва жазонинг дастлабки тўрт йиллини қамоқда, қолган қисmini қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиш белгиланган ҳолда 13 йилу 4 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Декабрь ойининг иккинчи санаси. Кунини шифокорларга кўрсатиб, даволашига ётқизиш билан овора бўлган Ҳайдар Ўрмонов(исм-фамилиялар ўзгартирилган) ижарада яшайдиган хонадонга бемажол бир аҳволда қайтиб келди. Дарвозадан кириб келганда хонадон соҳиби Самандар Исроилов унга пешовоз чиқиб, ижара ҳақи борасида гап очди.

## Ижара ҳақи сўралганда...

Олимжон НАБИЕВ,

Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси

— Тошкентда яшайдиган укам оғирлашиб қолибди. Уни қўриб келишга бормоқчи эдим. Шунга ижара ҳақини олдинроқдан берсангиз, дегандим.

Бу гапни эшитган Ҳайдар оғир хўрсиниб, ҳаётдан норози бўлган одамдай хорғин қиёфага кирди.

— Қўриб турибсиз, Самандар ака, хотинимни касалхонага ётқизиб келяпман. Дориғам анча пул кетди. Сал шоширмай турсангиз, ўша 120 мингни қилиб бераман.

— Мениям тўғри тушунинг. Укамни кўргани бормасам бўлмайди. Менга пул керак. Бир амалламасангиз бўлмайди, — оёғини тираб олди Самандар ака.

Ҳайдар қараса, 60 ёшдан ошган хонадон эгаси талабидан қайтадиган ҳолатда эмас. "Хўп", деб қутулмоқчи бўлган Ҳ.Ўрмонов пулни тезлаштиришга ваъда берди.

Эртаси кунини уйга келганида Самандар ака уни қақириб, яна ижара ҳақини сўради. Ҳайдар эртаси кунини ҳам сўралган пулни топа олмади. Ижарадаги уйга келиб, хонадон соҳибига пул топа олмаганлигини айтганида, ўртада келишмовчилик келиб чиқди. Даҳанаки жанг олишувга айланиб, Ҳайдарнинг қўллари кекса, ожиз аҳволдаги С.Исроиловнинг бўйнига чанг солди. Уни ерга йикитиб, бир муддат бўғиб турди. Самандар ака типирчилай-типирчилай, ахирини холсизланиб, қўллари икки ёнга ташлаб юборди. Шундан сўнг Ҳ.Ўрмонов унинг бўйинини бўшатиб, ўлганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш учун текшириб кўрди. У ўйлагандай хонадон эгаси жон таслим қилган эди. Энди Ҳайдарни мурдадан қандай қилиб қутулиш фикри банд қилган эди. Уйлай-уйлай бир қарорга келди. Ҳамма нарсани режалаштириб олиб, марҳумни томоркага кўмди.

Бир қарашда, Ҳ.Ўрмонов ўша вазиятда ўзини кўлга ололмай, шундай жиноятга қўл ургандек туюлиши мумкин. Бироқ унинг "таржимаи холи"га назар ташлайдиган бўлсак, бу кимса муқаддам қилмишлари учун икки бора судланган, қилаётган хатти-ҳаракатларининг оқибати нима билан тугашини яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак, ўзининг жинорий ҳаракатларини давом эттириб, хонадон соҳибига тегишли уяли телефон аппаратлари, антенна, қозон, ўчоқ, темир-терсак ва шу каби жами 10 млн. сўмга яқин мол-мулкни талон-тороқ қилади. Бу ҳам етмагандай, С.Исроиловга тегишли фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, талон ва пенсия гувоҳномаларини ҳам қўлга киритиб, ховлидаги тандир ичига яшириб қўяди.

Уйдан жой берган инсоннинг умрига зомин бўлиб, яна ҳеч нарса бўлмагандай унинг хонадонига яшаб юрган Ҳайдар Самандар акани сўраганларга уни Тошкентга даволашни учун кетганлигини айтади. Маҳалла-кўй ва хонадон соҳибининг қариндош-уруғларини ўзи тўқган уйдирмаларига ишонтириш учун С.Исроиловга тегишли уяли алоқа рақамидан турли мазмундаги смс-хабарларни жўнатиб туради. Лекин ховлидаги қабр сирини узоқ яшира олмади. Тез орада унинг қилмишлари ошкор бўлиб, барчасини бўйига олишга тўғри келди. Суд томонидан Ҳ.Ўрмоновга нисбатан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хумора (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам бошқа қизлар каби бир оиланинг бахтли бекаси, ширин-ширин фарзандларнинг онаси бўлиши мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Тарбиясидаги эътиборсизлик, табиатидаги енгилтаклик ҳаётини издан чиқарди. Қимларнингдир қўлида эрмак бўлишига олиб келди. Энг ёмони, нопок йўлга кириб қолди. Оқибатда жиноятга қўл уриб, она деган номга доғ туширди. Албатта, буларнинг барига фақат қизнинг ўзи айбдор эмасди. Оиласи, яқинлари, атрофдагиларнинг лоқайлиги унинг йўлдан озишига сабаб бўлди...



Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди Мўйиба Ҳатамовага жиноий ҳатти-ҳаракати учун 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, шартли равишда 2 йил синов муддати белгилади. Худди шунингдек, Зиёда Хайдаровага ҳам 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, унга ҳам шартли равишда 2 йил синов муддати белгиланди. Хумора Қуватов ва 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, унга ҳам

## «Билмайин босдим тиканни...»

Хуморанинг шахвоний нафс йўриғига юриб, ҳомилдор бўлиб қолганидан хабар топган онаси Мўйиба опанинг фиғони фаллака чиқди. Она юрса ҳам, турса ҳам шу ҳақда ўйлай бошлади. Чақалоқни боқиб олай деса, бу шармандалик бир умр гарданида юради.

Шундай бир пайтда таниши Кибриё унинг жонига оро кирди. У Қарши туманида яшовчи қариндошларидан бири бола асраб олмақчи эканлигини айтиб қолди. Мўйиба она ундан ўша қариндоши билан таништириб қўйишни илтимос қилди.

Зиёда она беш йилдан буён ўгли фарзанд кўрмаётганлигидан изтироб чекарди. Келинининг жавобини бериб юборай деса, бечора эсли-хушли, ажойиб аёл. Қолаверса, ўгли ва келини бир-бирини қаттиқ яхши кўради. Шу сабабли ўғлининг оиласини сақлаб қолиш учун бола асраб олиш ниятида юрғанди.

Кибриёнинг хабаридан сўнг Зиёда она Хумора билан учрашди. Хумора аёлини уйига, онасининг олдига бошлаб келди. Сухбат асосида Мўйиба

опа турмушидан нолиб, Зиёда опага бироз ҳасрат қилди. Қизини шармандаликдан қутқариш, қолаверса, бегуноҳ боланинг уволига қолмаслик учун уни туғилгач, бирор яхшироқ оиллага фарзандликка бериш ниятида эканлигини, қизи ҳам бунга розилигини билдирди.

Зиёда она чақалоқнинг ҳужжатлари билан боғлиқ масалани кўтарганида, Мўйиба она туғруқхонада ишловчи таниш шифокор орқали барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб беришини айтиб қолди. Мўйиба она туғруқхонада ишловчи таниш шифокор орқали барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб беришини айтиб қолди. Мўйиба она туғруқхонада ишловчи таниш шифокор орқали барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб беришини айтиб қолди. Мўйиба она туғруқхонада ишловчи таниш шифокор орқали барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб беришини айтиб қолди.

Келишилганидек, Зиёда она тиббий текширув, боланинг соғлом дунёга келиши учун барча сарф-харажатни бўйнига олди. Хуморанинг қўли ёригунга қадар унинг ҳизидан хабар олиб, пул билан таъминлаб турди. Ҳатто Манзурага

туғруқ харажати, дея олдиндан 200 минг сўм пул ҳам бериб қўйди.

2015 йилнинг 30 март кунини Хуморани туғуқ тутди. Мўйиба она шифокорга кўнғирок қилганда, у тўғри уйига келишларини айтди.

Мўйиба йўл-йўлакай Зиёда опага кўнғирок қилиб, қизини дард тутаетганлигини, бироз пул олиб, ортидан етиб келишини тайинлади.

Мўйиба опанинг катта қизи Дилафрўз йўловчи машинада Зиёда опани Манзура Собиророванинг уйига олиб келди. Аёл туғруқхонага бораялман, деб ўйлагани учун дастлаб бу ерга нега келганини тушуна олмади. Кейин барчасини англаб етди. Шифокорнинг барча гапдан хабари борлигига ишонч ҳосил қилди.

— Суюнчи беринг, момоси, набирали бўлдингиз. Қўчқордек ўғил туғилди. — Мўйиба она кучоғини очиб, Зиёда она бағрига босди. — Энди шифокорни рози қилайлик. 300 минг сўм пул беринг.

Зиёда она пулни узатди. Кейин ўзини чиндан набирали бўлгандек ҳис қилиб, Манзура Собироровага 20 минг ва унга ёрдам берган аёлга 10 минг

сўм суюнчи пули берди.

— Чақалоқни уйга олиб кетсангиз бўлади, — деди шифокор Зиёда опага.

— Ҳужжатсиз олиб кета олмаман. Бирор нима ёзиб бермайсизми? Ҳеч бўлмаса тилхат ёзиб беринглар, — деди Зиёда она. Мўйиба она шифокорни четга тортиб, келишиб олди.

— Битта танишим бор. Харажатидан қочмасангиз, гувоҳнома тайёрлашга ёрдам беради. Ҳозир эса чақалоқни олиб, бемалол уйга боравering.

Мўйиба она гувоҳнома масаласини ҳал қилиш учун анчагина тер тўқди. Аммо уришлари бесамавр кетди. Манзура Собиророванинг "таниши" ҳадеганда гапга кўнмади. Тўғрироғи, у конунга хилоф иш қилишни истамади. Бу орада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари чақалоқ савдосидан хабар топиб, тергов, суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Она-бола Мўйиба Ҳатамова ва Хумора Қуватовга шифокор Манзура Собиророва билан тил бириктириб, Зиёда Хайдаровага чақалоқни пул эвазига беришганлиги исботини топди.

шартли равишда 2 йил синов муддати белгиланди. Манзура Собиророва эса амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод қилинди.

Номусни ёшлиқда асра, деган мақол бор. Номусни йўқотиш бошга кўп балоларни келтиради. Уткинчи ҳис-туйғулардан маст бўлиб, номусини йўқотган ва оқибатда боласини сотишдек "жирканч ишга қўл урган қизнинг, фарзандига, оиласига ёпишган шармандалик доғини "ювмоқчи" бўлган онанинг, боласига яхшилик қилмоқчи умидига тўғри йўл қолиб, қинғир йўлдан борган аёлнинг, оқ халатга доғ тушириб, касбига, буржга хиёнат қилган шифокорнинг ўз виждони олдига берадиган жавобидан оғир юк бўлмаса керак.

Уларнинг бу ҳолати "Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини..." деган нақлни ёдга туширади. Фарзанд, айниқса, қиз бола тарбиясига вақтида етарли даражада эътибор бермаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бир ота-она чуқур мулоҳаза қилиб кўрса, фойдадан холи бўлмайди.

Ўлмасой отасининг вафотидан кейин рўзгор ташвишлари билан анча қийналди. Нима иш қилишни-ю, қандай рўзгор тебратишни билмай қолди. Боши қотган бир пайтда Сабина исмли аёл билан танишди. Бошидан ўтганларини, иш топишда қийналаётганини айтиб, суҳбатлашишга кўнглини ёрди. Сабина учун бу айни муалло эди.

— Қайнопам оиласи билан Дубайда яшайди. Истасангиз гаплашиб, иш топиб беришни сўрайман, йўқ демайдилар, — деди Сабина.

— Майли-ю, лекин менга чет элда қандай иш бўлиши мумкин? — хайратланиб сўради соддадил қиз.

— Болага ёки бирон қарияга қараб турасиз. Бу ишларни элласангиз керак. Оғир ишга қўймайди, ахир бир қишлоқдан бўлсак, — дея Сабина Ўлмасойни авраи кетди.

Оилавий шароитини дебми, бола қараш деганига қизиқдимми, ҳарқалай, қиз ҳам йўқ демади.

— Унда келишдик. Мен қайнопам билан гаплашиб, сизга жавобини айтаман, — деди Сабина. Улар яна учрашишга келишиб, телефон рақамларини алмашишди.

Шу билан орадан бир неча кун ўтиб, Сабина Ўлмасойга кўнғирок қилиб, учрашиш жойини айтди.

— Опам билан гаплашдим. Сизга иш топиб берадиган бўлди. Фақат менга паспортингизни беришингиз керак, — деди Сабина.



## Сароб

Жаҳонгир УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Самарқанд шаҳар прокурорининг  
ёрдамчиси

— Нима иш қилишимни айтмадимиз?

— Қизиқиб сўради Ўлмасой.

— Айтди. Бир оиланинг фарзандига қараркансиз. Сизга айтганим-ку, оғир ишга қўймайди деб, — деди Сабина айёрони қулиб.

— Мен ҳали паспорт олмаганман. Шароитим йўқ эди, — деди Ўлмасой хижолатомуз.

— Майли, унда керакли ҳужжатларни олинг. Паспортигизни бирга оламиз, харажатини ўйламанг.

Маълум вақт ўтиб, паспорт тайёр бўлди.

— Энди сизга опам билет юборишини кутамиз. Унгача бизникида яшаб турасиз, — деди Сабина.

Ўлмасой ҳеч бир қаршилиқсиз рози бўлди. Сабина уйига Ўлмасой билан кириб келганига қайнонасиз бироз ҳайрон бўлди. Қайнонасининг қарашини тушунган келин унга Ўлмасойни таништирди.

— Бу қизни қайнопам ёнига чақирган. У ерда ишга жойлаб қўйаркан. Улар билет юборгунларига қадар бизникида яшаб туришини тайинлади. Квартира пулини опам беради, — деди Сабина.

У қайнонасини бошқа хонага чақириб, бу қиздан қўймайгина даромад ишлашини тушунтирди.

— Опам бу қизни "ишлатмоқчи". Қизини жўнатсак, бизни ҳам қуруқ

қўймайдилар", деди овозини секинлатиб.

Жамила она келинининг гапларини эшитиб, уни бу фикрдан қайтармади. Гулдек қиз, қолаверса, ҳамқишлоғи. Унинг пулга муҳтоҳлиги ва соддалигидан фойдаланишни ўйлади, холос.

Орадан бир неча кун ўтгач, Ўлмасой билан Сабина Самарқанддан Тошкент халқаро аэропорти томон йўл олишди ва қайнопаси юборган билет билан қизни "Тошкент-Киев" йўналишидаги авиарейсда Украина давлатига жўнатиб юборди. У ердан БААНинг Дубай шаҳрига бориши керак эди. Аммо Украина аэропортига бориб тушгач, рус тилини билмаганлиги ва қарга кетаётганлигини тушунтира олмаганлиги учун Ўлмасойни Тошкентга қайтариб юборишди. Бироқ, иккинчи уринишда унинг Дубайга етиб боришини таъминлашди.

Сабинанинг қайнопаси Умида Ўлмасойни кутиб олиб, ўзининг яшаш уйига олиб келди. Фуқаролик паспортини олиб, "Энди сен мен учун ишлайсан. Бу ерга келишинг учун 15 минг доллар сарфлаганман. Бу пуллари қайтаришинг керак", деди.

Ўлмасой телефонда гаплашган аёл шуми, бошқами, деб бироз иккиланиб қолди.

— Сабина менга бола қарайсан ёки бирор уй ишларида ишлайсан, харажатларни эса олган маошингдан тўлайсан, деганди, — деди соддалик билан.

— Сабина сени алдаган. Сен фоҳишлик билан шугулланган, қарзларингни қайтарасан. Унгача паспортинг менда туради, — деди Умида қатъий оҳангда.

Чорасиз қолган Ўлмасой унинг шартларига рози бўлиб, икки йил давомиди Умидага ишлаб беришга мажбур бўлди. Шундан сўнг, Умида ўзининг жирканч жиноятини давом эттириб, Ўлмасойни туркиялик Ойзода исмли бир аёлга сотиб юборди. Ўз навбатида Ойзода ҳам унга 600 АҚШ долларлик харажатларини ишлаб беришни сўради. Бу ерда ҳам фоҳишлик билан шугулланган Ўлмасой "Насим" исмли турк фуқароси билан танишиб қолди. Унинг ёрдами билан Ангалия шаҳридаги ресторанлардан бирида идиш-товуқ ювувчи бўлиб ишга жойлашди. У "Насим" билан уч ойлар чамаси бирга яшаб, унинг ёрдами билан Ўзбекистонга қайтди. Ватанига қайтган Ўлмасой ноинсофликка чидаб турулмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Суриштирув ишлари олиб борилиб, жиноятчиларнинг сирлари фош бўлиб, улар қонун доирасида тегишли жазога тортилди.

Инсон ҳар бир хатти-ҳаракатини жамияттаги қонун-қоидаларга мувофиқ амалга ошириши лозим. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларида ҳамма оммавий ахборот воситалари орқали қилинаётган чиқишларга фуқароларга ўқитиб борилади. Қонунларимиздан оғинмай фаолият олиб бораётган борки, ҳурматга сазовор бўлади. Бунга бировлар амал қилади, бировлар эса...

## Нопок ишнинг оқибати

Шерзод ҒУЛОМЖОНОВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
катта инспектори

Олим Рўзиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан Шокир Ҳасанов иш юзасидан танишиб, яқин бўлиб қолишади. Ҳасанов суҳбатларнинг бирида Ш.Ҳасанов танишига уй қуриш учун ер кераклигини айтиди. Бу вазиятдан О.Рўзиев ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни мақсад қилади. Орадан бир неча кун ўтгач, Олим танишига кўнглироқ қилиб, пойтахтимиздаги "Ипакчилик" маҳалласида ери борлигини, агар келишишса, сотиб юборишини айтиди. Аслида бу ер унга эмас, балки туман ҳокимлигига тегишли бўлиб, захирадан турган жой эди.

Икковлар ерни бориб кўради, ўзаро савдолашишди ва 8 сотих ер 45 минг АҚШ долларига баҳоланади. О.Рўзиев танишининг ишончига кириш учун ернинг ҳужжатлари, деб Ш.Ҳасановга умуман бошқа жойнинг ҳужжатларини кўрсатади. О.Рўзиев келишилган пулнинг 20 минг АҚШ долларини шу жойнинг ўзида олади. Орадан маълум вақт ўтгач эса яна 25 минг АҚШ доллар пулни фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

О.Рўзиев шундан кейин қорасини ҳам кўрсатмайди. Кўнгиноқларга баъзида жавоб бериб, тез кунда ерни расмийлаштириб беришини айтиди. Бироқ кунлар кетидан ойлари ўтса ҳамки, Ш.Ҳасановнинг иши битмайди. Шундан сўнг у алданганлигини билиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади.


Тергов-суриштирув жараёнида О.Рўзиевнинг кирди-қорлари ошкор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди томонидан фирибгарнинг қилмишига яраша жазо тайинланди.

Яхшилик йўлидагилар мукофот билан, ёмонлик йўлидагилар эса жазо билан сийланадилар. Худди шу маънода, юқоридаги шахс ҳам ўз жазосини олди. Энди қонуннинг сўзи унга сабоқ бўлиши тайин.

Яширин цехлар иқтисодиёт ривожига қандай тўсиқ бўлиши маълум. Бу хилдаги қонунбузарликларга чек қўйиш СВОЖЖДЛҚ департаменти ходимларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Айниқса, бундай цехларга маҳсулот ишлаб чиқариш истеъмолчининг соғлиғига, қолаверса, ҳаётига хавф туғдирадиган кечириб бўлмас ҳолат ҳисобланади.

Яширин фаолият билан шуғулланувчи шахсларни фош қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда Миришкор туманида яшовчи фуқаро Ботирбек Турдиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзига тегишли

## «Уддабурон» жувозчилар



бўлган уйнинг ёрдамчи ҳўжалигида чигитдан ёғ ишлаб чиқараётгани маълум бўлди. Яширин цех кўздан кечирилганда, 1200 кг. чигит, 500 литр ёғ борлиги аниқланди.

Шунингдек, суриштирув жараёнида устамоннинг жиёни

Эгамназар Турдиев ҳам уйда кўлбола усулда ясалган жувоз ускунаси ёрдамида чигитдан ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганини аниқланди. Унинг яширин цехидан эса 50 литр пахта ёғи, 200 кг. пахта чигити ва бошқа товар-

Абдулхай ХОДЖАЕВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
бўлим катта инспектори

моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.


Суд томонидан қонунбузарларга нисбатан жазо тайинланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай шахсларнинг фаолиятига барҳам беришда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки жойлардаги фуқароларимизнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Боёвтулик Ганижон Пардаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пора бериш ҳам жиноят эканлигини билгани ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимига пора бери ва ўзи суднинг қора курсисига ўтирди.

## Ўйлаганидек бўлмади

Фахриддин МУХИДДИНОВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Сирдарё вилоят бошқармаси катта инспектори



Ф. Пардаев ноқонуний валюта сотиш жиноят эканлигини билса-да, бундай ишдан ўзини тиймади. У жорий йилнинг март ойида Боёвту туман тиббиёт бирлашмаси ёнида фуқаро Малика Мўйдиновага 100 АҚШ долларини

сотаётган вақтда СВОЖЖДЛҚ департаментининг туман бўлими ходимлари томонидан кўлга олинди, унинг бу қилмиши тегишли тартибда расмийлаштирилди. Мазкур ҳолат бўйича суриштирув жараёни олиб борилаётган пайтда Ф.Пардаев ҳуқуқбузарлиги учун чора кўрмаслик эвазига департамент ходимига пора беришини айтиди. Департамент ходими унинг таклифига кўнмайди. Ушбу ҳолат учун қонунда белгиланган тартибда чора кўрилишини уқтиради ва ҳолатни ўрганиш жараёнида Ф.Пардаевдан керакли ҳужжатларни келтириб беришини сўрайди. Вазиятни кўнглидагидек ҳал эта олмаган валютафуруш эртасига талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиш ўрнига, такроран ҳуқуқ-тартибот ходимига пора беришни мақсад қилади. Яъни Ф.Пардаев бир миллион сўм пулни целлофан пакетга солиб, департамент ходимининг хизмат хонасида унга беради. Бироқ, иш ўйлаганидек бўлиб чиқмади. "Ишим ҳал бўлди", деган ўйда ўтирган Ф.Пардаев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирда ашёвий далил билан кўлга олинди.

Орган ходимини пора эвазига ўзининг йўриғига юргашисга ҳаракат қилган Ф.Пардаевга нисбатан жиноят ишлари бўйича Шириин шаҳар суди ўзининг ҳукмини эълон қилиб, тегишли жазо тайинлади.

"Одам шунчалар ҳам ноинсоф бўладими?", ўзига-ўзи гўдрани И.Боқижонов. Таниш-билишларидан суриштирса, трактор ҳужжатларини янгилаш харажатлари 150 минг сўм атрофида бўлар экан.

Туман техназорат инспектори эса кўзини лўқ қилиб, унга 1 млн. сўм эвазига ҳужжатларни тайёрлаб беришини айтди. Тумандаги фермер ҳўжаликлари-дан бирининг раҳбари И.Боқижонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) инспекторга телефон қилди. Маҳалла гузаридида учрашадиган бўлишди. Келишувда жойда Сулратжон Жиянов пулни олиб, чўнтагига сол-

ди. Бироқ "луқма" томоғига тикилди. И.Боқижонов кетганидан кейин унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари пешвоз чиқиб, ўзларини таништиришди. Инспектор С.Жияновнинг ҳозиргина олган пулни бериб, қилмишига иқдор бўлишдан ўзга чораси қолмади.

Судда тасдиғини толган ҳолатларга кўра, туманда қишлоқ ҳўжалиғи техникаси давлат инспектори лавозимида ишлаган С.Жиянов фермер ҳўжалиғи раҳбарининг илтимосини ерда қолдирмай,

## Пул савдосининг ғавғоси

Музроб ИБРОХИМОВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Бекобод туман бўлими бошлиғи

Юртимизда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиши, даромад топиши учун кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб қўйилганига қарамай, нафс сўзига кириб, фойда кўришнинг қинғир йўллари ихтиёр этаётган ва бу билан қонунларимизга зид хатти-ҳаракатларни содир этаётганлар учраб турибди.



Бекободлик Анвар Раҳмонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда Акмал Мардиев пул топишининг ноқонуний йўлини танлашди. Улар валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш жиноят эканлигини билсалар-да, мақсадларидан қайтмадилар. Дастлаб ишлари силиққина кетаётган бу кимсаларни пулфурушлик ортидан келаётган даромад ўзига таомилро ром қилди.

Халқимиз кўза кунда эмас, кунда синади, деб бежизга айтмайди. СВОЖЖДЛҚ департаментининг Бекобод туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда А.Раҳмонов ва А.Мардиев фуқаро Ш.Бердиевга 5100 АҚШ долларини сотаётган вақтда кўлга олинди. Шу билан бирга, уларнинг ёнидан сотиш мақсадида сақлаб келинган 4100 АҚШ долларини, 18 минг 110 Россия рубли, 67 минг 500 қозоқ тенгеси борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судида мазкур жиноий қилмиш атрофлича кўриб чиқилди. Валютафурушлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва уларга суднинг тегишли жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукми ўқилди.

Хулоса шуки, ҳеч бир қинғир иш яхшиликка олиб келмаган. Шундай экан, ҳаётда тўғри йўлни танлаш ва бу билан ўзига ҳам, яқинлари, атрофдагиларга ҳам наф келтириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи, виждон амрига айланаши керак.

## Баднафслик ишидан айирди



ҳўжалик балансида бўлган "ВТ-150" русумли тракторнинг техник паспортини алмаштириб, янги давлат рақами олиши

Камол ЮЛДАШЕВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Тошлққ туман бўлими бошлиғи

учун рухсат беришга 1 млн. сўм пул талаб қилган эди.

Суд собиқ инспекторни 3 йил муддатга "Давтехназорат" инспекцияси идоралари тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Баднафслиги оқибатида С.Жиянов ҳам ишидан, ҳам миқнолаб йиққан обрўсини айирди.

Тадбир

## Ҳуқуқий тарғибот йўлида



Наталья ТЕМИРОВА,

Тошкент юридик коллежи директори

раф этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, шунингдек, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ўқувчилар ҳамда ота-оналар эътиборига етказилди. Бундан ташқари, фарзандларнинг тартиб-интизомга ва коллеж қоидаларига риоя қилишини таъминлаш, Маъмурий жаъобгарлик тўғрисидаги кодекс талаблари ҳамда Жиноят кодексида белгиланган жаъобгарлик ва мажбуриятлар юзасидан ота-оналарга тушунтириш берилди.

Тадбирда ўқувчиларнинг кийинги маданияти, ахлоқий талаблар ҳақида маърузалар тингланди. Ўқувчилар таълим муассасида уяли алоқа воситаларидан фойдаланмаслик, коллежга ҳар хил ўткир тиғли кесувчи буюмларни олиб келмаслик, тунги вақтларда ота-она қаровисиз турли кўнгилочар жойларда бўлмаслик ҳақидаги қонун талабларига амал қилиши лозимлиги таъкидланди.

Юртимизнинг таълим даргоҳларида янги ўқув йили бошланди. Шу муносабат билан ҳар бир таълим муассасасида ота-оналар, тегишли мутасадди идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иштирокида янги ўқув йилига бағишлаб турли мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Тошкент юридик коллежида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, биринчи курсга қабул қилинган ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирокида бўлиб ўтган тадбир вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусига бағишланди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барта-

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ҳаммуассасалигида чоп этилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнаlining 2016 йилдаги 3-сони нашрдан чиқди.

## Журналнинг янги сони

Журналнинг ушбу сонида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мақолаларга кенг ўрин берилган. Жумладан, "Ислоҳот — инсон учун" номли мақолада юртимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар теран таҳлил қилинган. "Истиқлол — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида" номли мақолада эса истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганига алоҳида урғу берилган ҳолда бу соҳада амалга оширилган ишлар, чора-тадбирлар ҳаётий мисоллар орқали очиб берилган.

Шунингдек, "Она ва бола саломатлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" деб номланган мақола ҳам бугунги куннинг долзарб мавзусига бағишланган. Муаллиф мақолада юртимизда бу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишларни, хусусан, "Соғлом она ва бола йили"да амалга оширилаётган тадбирларни атрафлича ёритиб берган.

Журналнинг "Инсон ва ҳуқуқ" рўқнига жамланган таҳлилий материаллар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Негаки, уларда коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишни режалаштириш, қонунларнинг миллиятлараро муносабатлар кафолати сифатидаги роли, хотин-қизлар, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби ва бошқа муҳим мавзулар қамраб олинган. Бундан ташқари, нашрдан халқаро ҳуқуқ масалаларига бағишланган қизиқарли мақолалар ҳам жой олган.

Ўз мухбиримиз

Реклама ўрнида

# Барқарорлик асоси

Мамлакатимизда иқтисодийни ҳар томонлама эркинлаштириш, ишбилармон-тадбиркорларга ҳуқуқий, молиявий жиҳатдан барча зарур шарт-шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётир. Бунинг самараси ўлароқ юртимизда тадбиркорлар сафи йил сайин ортиши билан бир қаторда, улар ўртасида фаол, соғлом рақобат, ишбилармонлик муҳити ҳам кузатилаётир. Шу сабабли ҳам кундан-кунга халқимиз турмуш шароити янада яхшиланиб, иқтисодий-иқтисодий ҳар томонлама тараққий этмоқда.

Албатта, ана шундай ижобий юксалиш ва ютуқларда, амалий ишларда тижорат банкларининг ҳам фаол иштирок этаётганлиги диққатга сазовордир.

Бу борада республикамиздаги етакчи банклардан "Агробанк" акциядорлик тижорат банкнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириб келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Банк бошқармаси воҳада тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ва шу орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодийта муносиб

улуш қўшиш борасида аниқ мақсад сари одимламоқда. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу борадаги амалий ишлар янада ойдинлашади. "Агробанк" АТБнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 326,9 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилди. Қувонарлиси, мазкур маблағлар асосида виллоятнинг чекка ҳудудларида янги тадбиркорлик субъектлари юзага келиб, аҳолининг иш билан бандлик даражаси яхшиланишига ҳам эришилаётир.

— Бугунги кундаги обод-фаровонлик ўз-ўзидан

бўлаётганлиги йўқ. Буларнинг барчасига истиқлолнинг тотли меvasи, юртимиздаги тинчлик ва халқимизнинг бир-бирига юксак ҳурмати, ўзаро ҳамжиҳатлиги асосида юзага чиқаётир, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Нодир Рашидов. — Ҳозирги мана шундай дориламон кунларда биз каби оддий меҳнаткашлар ҳам улкан ишларни амалга оширмоқда. Пухта-пишиқ истиқболли бизнес лойиҳани амалиётга татбиқ этиш натижасида тадбиркор деган юксак номга эга бўлмоқда. Албатта, тадбиркор бўлиб юртга хизмат қилиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун инсонда катта матонат ва ўзига ишонч бўлиш зарур. Мен ҳам шу мақсадда тадбиркорлик этагидан тутдим. Бу йўлда "Агробанк" АТБнинг Шўрчи филиали томонидан автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш мақсадидаги бизнес режам 130 миллион сўм кредит маблағи билан молиялаштирилди. Натижада туман аҳолисининг автомобилларига замонавий сервис хизмат кўрсатиш юзага келиши билан бир қаторда, кўшимча

яни 4 та иш ўрни ҳам яратилди.


— Доим оммавий ахборот воситаларини кузатиб бораман. Юртимизга оид янгиликлар, бунёд этилаётган иншоотлар, фойдаланишга топширилаётган замонавий бинолар, йўллар, кўприклар буларнинг барчаси қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Ҳа, юртдошларимиз асрий мўъжизаларни ўз қўллари билан яратмоқда, — дейди "Файз барака чарм" МЧЖ раҳбари Қ.Нурматов. — Шу сабабли ҳам барчамиз мустақиллик берган бу бебаҳо озодлик, ободликнинг қадрига етиб яшашимиз керак. Ана шундай бўлгандан кейин инсон яшашга, меҳнат қилишга янада интилар экан. Буни юртдошларимиз томонидан қўлга киритаётган ютуқ ва марралардан билишимиз мумкин. Бу йўлда молиявий кўмаги фаолиятимизда таянч бўлган "Агробанк"нинг алоҳида ўрни бор. Мазкур банк билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз. Жорий йилда туман аҳолисининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини



AGROBANK

янада яхшилаш мақсадида замонавий қушона қуриб фойдаланишга топширдик. Ана шу мақсаддаги бизнес лойиҳамиз "Агробанк" АТБнинг Жарқўрғон филиали томонидан 350 миллион сўм кредит маблағи билан молиялаштирилди. Бунинг натижасида 7 киши ишли бўлди.

Мухтасар айтганда, бу каби кенг сазй-ҳаракатларни "Агробанк" акциядорлик тижорат банкнинг барча виллоят бошқарма ва филиалларида ҳам кузатишимиз мумкин. Буларнинг барчасида банк жамоасининг сидқидилдан олиб бораётган самарали фаолияти натижаси кузатилаётир. Бош мақсад эса албатта, халқимиз фаровонлигига, юртимиз иқтисодий-иқтисодийта муносиб улуш қўшишдир. Бу йўлда банк томонидан кенг миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилаётир. □

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ,  
Банк матбуот хизмати ходими



ПАРАЛИМПИАДА-2016:

# Ўзбекистонлик спортчилар жаҳон, паралимпиада ва Осиё рекордини ўрнатишди

Ўн икки кун давомида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV Паралимпия ўйинлари ўз якунига етди. Барчамиз катта ҳаяжон ва иштиёқ билан мазкур мусобақаларни кузатиб бордик. Бойси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари паралимпия ўйинларида ҳар қачонгилан-да фаолроқ иштирок этиб, ҳар куни бизни хушхабарлар билан хурсанд этиб туришди.

Мусобакаларнинг сўнгги кунда енгил атлетиканинг найза улоқтириш турида иштирок этган ҳамюртимиз Нозимахон Қаюмова 44,58 натижа билан жаҳон рақиблари ўрнатган ҳолда паралимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Шу тариха делегациямиз аъзолари томонидан қўлга киритилган олтин медаллар сони 8 тага етди. Якунда терма жамоамиз аъзолари 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медаллар билан умумий ҳисобда 31 та медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 176 та давлат рақиблари орасида медаллар сифати бўйича 16-ўринни, сони бўйича эса 13-ўринни эгаллашди. Мусо-

бақада 32 нафар иштирокчи билан қатнашиб, 31 та медални қўлга киритиш — бу чинданам ҳайратланарли натижа.

Маълумот учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтамиз. Мусобақада энг кўп — 239 та медал жамғарган Хитой терма жамоаси спортнинг 17 та турида 327 нафар спортчи билан иштирок этган.

2. Буюк Британия 147 та медал — 260 нафар спортчи (20 та спорт тури)

3. Украина 117 та медал — 171 нафар спортчи (15 та спорт тури)

4. АҚШ 115 та медал — 288 нафар спортчи (20 та спорт тури)

5. Австралия 81 та медал — 175 нафар спортчи (16 та спорт тури)

6. Германия 57 та медал — 158 нафар спортчи (17 та спорт тури)

16. Ўзбекистон 31 та медал — 32 нафар спортчи (5 та спорт тури)

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, спортчилар сонига нисбатан медаллар жамғариш борасида Ўзбекистон делегацияси 96,8 фоиз натижа кўрсатиб, XV паралимпия ўйинларида энг яхши кўрсаткичга эга бўлди. Шуни элоҳида эътироф этиш керакки, юртимиз паралимпиячилари Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, МДХда Украинадан сўнг иккинчи, Осиёда Хитой ва Эрондан сўнг учинчи ўринни эгаллашди.

Ёдингизда бўлса, XXXI ёзги олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси бокс бўйича барча рақибларини орда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаган эди. Паралимпиячилар орасида эса Ўзбекистон делегацияси спортнинг

дзюдо тури бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўрндан жой олди (3 та олтин, 1 та кумуш, 6 та бронза медаллари).

Умуман эса спортчиларимиз томонидан 6 та жаҳон, 7 та паралимпия ўйинлари, 12 та Осиё рекорди ўрнатилди. Таъкидлаш керакки, шу вақтга қадар бирорта давлат вакиллари, яъни иштирокчилар сони ва қўлга киритилган медаллар натижаси бўйича бундай кўрсаткичга эришмаган. Эътироф этиш лозим, Бразилияда жуда кўп давлат делегациялари Ўзбекистон эришган ютуқларга ҳайрат ва ҳавас билан қарамокдалар. Бу ютуқлар замирида халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ва дуоси, давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, уларга бўлган ишонч ҳамда спортчиларимиз ва уларни тарбиялаган мураббийларнинг тинимсиз меҳнати ётибди.

## «Олтин тўп» совринининг янги қоидалари эълон қилинди



"France Football" журнали "Олтин тўп" соврини соҳибини аниқлаш жараёнининг янги қоидадини эълон қилди.

Энди совринга номзодларнинг якуний рўйхати 30 нафар футболчи билан иборат бўлади. Овоз бериш жараёни якунига етганидан кейин 3 нафар асосий даъвогарнинг номи эълон қилинмайди.

Овоз бериш жараёнида фақат журналистлар иштирок этишади. Барча 30 нафар футболчиларнинг тўлиқ рейтингини аввалгидек январь ойида эмас йил сўнггида эълон қилинади.


Эслатиб ўтамиз, "France Football" "Олтин тўп" совринини топшириш ҳуқуқини яна ўзига қайтариб олди. Ушбу совринга 1956 йилда асос солинган.

## Шаф яна «Вердер»ни бошқариши мумкин

Германиялик мутахассис Томас Шаф яна бременликлар билан ҳамкорликни бошлашга яқин турибди. Гап шундаки, у "Вердер" жамоасини бошқариши мумкин бўлган номзодлар орасидан жой олган. Бу ҳақда Bild нашри хабар бермоқда.

"Вердер" клуби раҳбарияти бош мураббий Виктор Скрипникнинг истеъфосидан сўнг, зудлик билан янги мураббий қидиришни бошлаб юборган. Жамоани бошқаришга асосий номзод сифатида 2016 йилнинг майига қадар "Шальке" жамоасини бошқарган Андре Брайтенайтер кўриломқда. Бундан ташқари, бременликларнинг номзодлар рўйхатидан жамоанинг собиқ устози Томас Шаф ҳам ўрин олган.

Маълумот учун, 55 ёшли Шаф "Вердер"ни 1999-2013 йилларда бошқарган. Бу давр ичида у жамоа билан бирга 2004 йилда Германия чемпиони, уч маротаба мамлакат кубоги соҳиб ва 2009 йилда УЕФА Кубоги кумуш медалларига эга чиққан.



Германия полицияси "Фондерорт" клуби дарвозабонини "Оберхаузен" клубига қарши кечган учрашувда 0:43 ҳисобида учралган мағлубиятдан сўнг ҳибсга олди.

## Дарвозабон ҳибсга олинди

Маълумотга кўра, полиция ходимлари тўртта машинада клубнинг қароргоҳига ташриф буюриб, машғулот ўтказётган дарвозабон билан галлашиб олишган. Шундан сўнг у машинага ўтириб, полиция билан жўнаб кетган.

Клуб раҳбари Кристиан Шрёбер дарвозабоннинг ҳибсга олиниши ва у қачон клубга қайтиши ҳақидаги маълумотлардан бехабарлигини айтган.

Маълумот учун, "Фондерорт" клуби Германия чемпиони 7-лигасида иштирок этади. Жамоада 55 ёшли футболчилар ҳам бор.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси Нилуфар Мирахмедова акиси

Акмалжон МИРАХМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## Савиола мураббийлик фаолиятини бошлади

Ўз вақтида Испаниянинг энг номдор клублари — "Барселона" ва "Реал" жамоаларида тўп сурган ҳамда Аргентина терма жамоасининг собиқ футболчиси Хавьер Савиола мураббийлик фаолиятини бошлади. 34 ёшли аргентиналик спортчи Андорра давлатининг "Ордино" клуби ёшлари билан ишлайдиган бўлди. Савиола "Ривер Плейт" клубини тарк этганидан сўнг ишчи зурган эди. У ҳали футболчилик фаолиятини яқунламаган ва "Ордино" клуби катталар жамоасида ўйнаши ҳам мумкин.

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53,  
233-64-85

**E-mail:**  
[huquq@huquq-gazeta.uz](mailto:huquq@huquq-gazeta.uz)

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahriryatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

**Nashr ko'rsatkichi**  
**231**

Buyurtma s-7054. 38 372 nusxada bosildi.  
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 basma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Nashrbatchi muharrir: **G.HOJIBOYEVA**  
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**  
Nashrbatchi: **O'DEHONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004